Маърифат

معرفت

Халқ зиёлилари рўзномаси

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 17 МАРТ, СЕШАНБА

№ 32 (5628).

Баҳоси: обуначига 16 тийин, сотувда 60 тийин.

«ФАСЛИ НАВБАҲОР ЎЛДИ...»

Ўлкамизга баҳор сепини ёймоқда. Бир қарасанг, ҳут-ют изғирини ногоҳ этни увиштиради, гоҳ ҳавонинг қош-қовоғи уюлади... Бу соғинтирган «Наврўз»нинг ноз-карашмалари.

Куни кеча баҳор мисол кўркам «Баҳор» ресторани одатдагидан гавжум бўлди. Карнай-сурнай садолари остида куй-қўшиқлар дилрабо рақсларга уланиб кетди.

...Наврўз нақш солгандек дастурхон тўрида Тошкент вилоятининг халқ таълими соҳасида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган донгдор ўқитувчилари, тажрибали мактаб раҳбарлари, меҳрибон тарбиячилар, касаба уюшмаси фаолларига иззат-ҳурмат кўрсатилди. Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси раиси В. Ўрмонов йиғилганларни яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан самимий табриклаб, бундай хайрли тадбир кенг оммалашишига ишонч билдирди.

Дилдан ташкил этилган суҳбатда жумҳурият хотин-қизлар қўмитаси раисининг муовини Д. Ғуломова, Тошкент вилоят касаба уюшмаси раиси Д. Жаҳонгирова, ишбилармонлар касаба уюшмаси вилоят қўмитаси (тадбирнинг ҳомийларидан) раиси М. Ризаева иштирок этишди. «Ўқитувчи—92» танловининг вилоят бўйича ғолиби, Пискент ноҳиясидаги 5-мактабнинг методист-ўқитувчиси М. Эргашева, чорак асрдан буён Юқори Чирчиқ ноҳияси касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаб келаётган М. Исломова, Қорасув ноҳиясидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Т. Султонова ва бошқалар иштирок этишди.

З. ТЎЛАГАНОВА, мухбиримиз.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олий илмгоҳининг риёзиёт куллиётида назарий ва амалий машғулотлар доим уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилади.

Тасвирда: механика лабораториясидаги машғулотлар тизимининг моҳиятини шу куллиётнинг катта ўқитувчиси Шавкат Душамов II курс талабаларига тушунтираётир.

Суратчи А. ЧАПЛИГИНА.

ПАЙСАЛГА СОЛИБ БЎЛМАЙДИ

Долзарб мавзу

Махсус мактаб-интернатларнинг педагогик жамоалари бажарадиган вазифалар бошқа таълим-тарбия даргоҳлари фаолиятидан ўзига хос томонлари, муаммолари билан фарқ қилади. Буни биз Хўжайли шаҳрида жойлашган 4-республика махсус мактаб-интернатига ташриф буюрганимизда, аниқ ҳис қилдик. Бу ерда кар-соқов ва яхши эшитмайдиган болалар таълим-тарбия олишади.

Бу махсус мактаб-интернатда ҳозир 180 нафар ана шундай болалар бор. Маълумки, нуқсонли бўлиб туғилган болаларни ўқитиш, табиялаш муаллимлардан алоҳида сабр-бардошни, меҳр-шафқатни, меҳнатсеварликни талаб этади. Илм масканида шундай ўз касбининг фидойилари кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, олий тоифали математика ўқитувчиси Умрбой Абдиғаниев, дефектология бўйича олий тоифали ўқитувчи Раиса Даниловна Эм, методист-ўқитувчи Жумахон Қатбаева, «Қўл алифбе»сини қорақалпоқчага таржима қилган Қамар Ўрозбоева ва бошқалар шулар жумласидандир.

Махсус мактаб-интернатда жами 28 тарбиячи ва 35 ўқитувчи ишлаяпти. Улар ўзларининг билимларини оширишга алоҳида эътибор беришмоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Лидия Хабилова, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, дефектолог Куля Шаҳаровалар етук мутахассис ҳисобланишади. Сарбиноз Матқулова, Ортиқбика Болтабоева, Лариса Ли, Роза Ли Низомий номли Тошкент педагогика олий илмгоҳининг сиртқи бўлими IV курсида ўқимоқдалар.

Бу ерда очиқ дарслар ўтказиш одат тусига кирган бўлиб, шу усул орқали педагоглар ўзаро тажриба алмашадилар. Дарсдан ташқари олиб бориладиган ҳар хил тадбирлар ҳам болаларнинг умумий билим савиясини ошириш, ахлоқий тарбиясини такомиллаштиришга йўналтирилган. Жумладан, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган тадбир тарбияланувчилар хотирасида узоқ сақланиши шубҳасиздир. Бу тадбирда тарбия масканининг барча педагоглари фахрийлари, собиқ тарбияланувчилари билан бирга Нукус давлат университетининг талабалари ҳам иштирок этишди.

Шуни айтиш лозимки, махсус мактаб-интернатнинг қатор муаммолари, қийинчиликлари ҳам бор. Бу ҳақда бизга тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари К. Шаҳарова куйиниб шундай деди:

— Биринчидан, ҳозирги биномиз замонавий талабга мутлақо жавоб беролмайди, — спорт зали, ҳаммом, болалар ўйнайдиган хона йўқ. Ётоқ хоналарига каравотларни зич қилиб қўйишга мажбурмиз. Тумбочкаларга ҳам ўрин топилмайди. Бунинг устига полос, музлатгич, кир ювиш машинаси, газ плитаси етишмайди. Борлари эса эскирди.

Бизга шаҳримиздаги кар-соқовлар жамиятининг ишлаб чиқариш корхонаси оталиқ қилади. Илгарилари бу корхона озми-кўпми ёрдам қилиб турарди. Аммо кейинги йилларда оталиқ ташкилотининг ёрдамини сезмаяпмиз. «Ҳозир хўжалик ҳисобига ўтаяпмиз, сизларга энди ёрдам бера олмаймиз», дейди унинг директори С. Хўжаев. Эҳтимол, у ҳақдир. Аммо оталиқ ташкилоти сифатида биркитилган корхона раҳбарининг қалбида наҳотки кўнгли ярим болаларга меҳр-шафқат олови сўниб қолган бўлса? Ахир тарбияланувчиларимиз вақти-соати келиб кар-соқовлар жамиятининг ишлаб чиқариш корхонасига бориб меҳнат қилишади-ку!

Дарҳақиқат, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарининг гапида жон бор. Оталиқ ташкилотларининг ёрдамисиз ҳозирги қийин иқтисодий шароитда таълим-тарбия масканларининг ўқув-моддий аҳволини яхшилаш амримаҳолдир. Махсус мактаб-интернат учун 1991 йилда Нукус шаҳрида янги бино қурилиши бошланибди. Режага кўра, бу янги бино 1993 йилда ишга тушиши лозим экан.

Янги бино қурилишининг бошланиши қувончли ҳодиса. Аммо унинг битишини кутиб ўтирмасдан ҳозирги мавжуд ўқув-моддий базаси асосида махсус мактаб-интернатнинг фаолиятини яхшилаш тегишли раҳбар ва оталиқ ташкилотларининг диққат марказида бўлмоғи керак. Зотан, болаларга ғамхўрликни пайсалга солиб бўлмайди.

Ғ. ЕҚУБОВ.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ИҚТИДОР

Муаллим ҳам ижодкор. Лекин унинг ижоди китоб яратиш эмас, балки одам тарбияси билан боғлиқ. Мен Олмалиққа борганимда, худди шу хислатни шаҳардаги 7-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири, кимё ва биология ўқитувчиси Илёс Эргашевда кўрдим. Илёснинг иқтидори нимада? Мен мактабга бориб, унинг тарбиявий-илмий ишлари билан танишганимда, шу саволга жавоб топгандай бўлдим.

Мактабда кимё фанининг намунали ўқитилиши учун баъзи бир муайян асослар бор. Шаҳарда жумҳуриятдан четда ҳам маълум ва машҳур бўлган кимё комбинати бор. Назаримда гилам фабрикаси , Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқа корхоналарнинг ҳам бу ерда кимё фанининг анча чуқур ўрганилишига таъсири бор.

— Уларнинг кўпчилиги мактабимиз учун оталиқ ташкилотлари ҳисобланади, — дейди Илёс. У мени мактабнинг кимё лабораториясига бошлади. Иккита хонадан ташкил топган бу лабораторияда Менделеев жадвалида кўрсатилган моддалардан ташқари жуда кўп жисмларнинг намуналари бўлиб, амалий машғулотлар ўтказиш учун ҳамма шароитлар мавжуд. Ҳар сафар дарс бошланишидан олдин ўқитувчининг кўрсатмаси билан ўқувчилаборантлар ўтиладиган мавзуга оид тажриба жиҳозларини тайёрлаб қўядилар.

— Кабинет ва лабораториядаги барча жисмларнинг ҳаммасини оталиқ ташкилотлари ўқувчиларга совға қилишган, — деди Илёс менга лабораториясини кўрсатар экан. — Айниқса, шаҳардаги Кимё комбинати билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Бу бизга ҳам, оталиқ ташкилотимизга ҳам катта фойда бермоқда...

Айтишларича, мактабдаги дарс машғулотларига кимё заводининг мутахассислари ҳам тез-тез таклиф этилиб туриларкан. Кўпчилик дарслар, амалий машғулотлар бевосита комбинатнинг ўзида, унинг катта лабораториясида ўтадиган бўлиб қолди. Бу ҳол ўқувчиларнинг кимёдан олаётган билимлари ҳар томонлама пишиқ ва асосли бўлишига олиб келаётир.

Илёснинг иқтидори ҳақидаги саволга қуйидагича жавоб олдим: 10-синфда 24 ўқувчи таълим олади. Илёс уларни учта илмий гуруҳга ажратган. Кимё дарсларида мунозара усули қўлланилади. Ўқувчилар дарсга фақат илмий адабиётлар, мактаб кутубхонасига келадиган жаридалар ва бошқа воситалар билан тайёрланиб келадилар. Ҳар бир гуруҳдан, (унда 8 нафардан талаба бор) ўқитувчининг саволларига бир неча ўқувчи жавоб беради, уларнинг камчиликларини иккинчи гуруҳ кўрсатади, учинчи гуруҳ ҳам ўз муносабатини билдиради. Ёки бирор мавзунинг баёни давомида бир гуруҳ унинг назарий қисмини гапирса, иккинчи гуруҳ худди ўша назарий фикрларни лаборатория амалий ишлари билан исботлаб беради, учинчи гуруҳнинг ўқувчилари эса мазкур фикрлар асосида масала ва мисоллар ечадилар, тенгламаларни ҳал этадилар.

Булардан ташқари, дарс жараёнида ўқувчилар томонидан кимё фанидаги айрим мавзулар бўйича рефератлар ёзиш, уларни ҳимоя қилиш, бутун синф биргалашиб мактабда кимё кечасини ўтказиш, илмий конференциялар уюштириш сингари ишлар Илёс Эргашев педагогик тажрибасининг асосини ташкил этади. Айни пайтда айрим катта мавзулар юзасидан синфда ўқувчилар билимини баҳолаш юзасидан такрорлашнинг синовли усули ҳам кенг жорий этилмоқда.

— Кўрилган бу тадбирлар мактабда кимё ўқитилишининг такомиллаштирилишига таъсир этди. Фақат ўнинчи синфдагина эмас, балки бошқа синфларда ҳам талабнинг бир хиллиги кимё фанидан ўқувчилар билимларининг пухта бўлишига олиб келди, — дейди мактаб директори Собиржон Ёқубжонов.

Мен Олмалиқ шаҳар мактабларида тез-тез бўлиб тураман. Бу ерда сўнгги пайтларда иқтидорли ўқитувчиларнинг кимё мактаби вужудга келди. Аммо шуни эсдан чиқармаслик керакки, шаҳар мактабларининг барча кимё фани муаллимлари ўқувчиларга кимёнинг барча сирларини мукаммал ўргатадиган турли усулларни амалда қўллаб кўришмоқда ва ҳар бирининг ўз йўналиши, усули ва тажрибалари бор.

Илёс Эргашев дарсларининг натижасини синф журналидан изладим. Йил бошидан бери 9, 10, 11-синфларда биронта ўқувчининг ҳатто, «уч» баҳо олганига кўзим тушмади. Айниқса, йил бошида кимёдан бироз пастроқ баҳоларга ўқиган Равшан Исаев, Зулҳумор Маматқулова, Ҳуснобод Отабоева, Дилбар Исмоилова ва Шуҳрат Маматқулов сингари ўқувчилар ўқув йили биринчи ярмини фақат аъло баҳолар билан якунлашган.

— Бизда кимё фанининг анча малакали ўқитилиши баъзи имкониятларни очиб бермоқда, — дейди шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Исоқ Тошев. — Биз еттинчи ёки ўн тўққизинчи мактаб базасида кимё фанидан иқтидорли талабалар тайёрлайдиган пуллик ўқув гуруҳини очишни мўлжаллаб турибмиз...

Мактабдан чиқарканман, Илёс мени бир синфхонасига бошлади. Бу ерда ўндан ортиқ ўқувчи нималарнидир тажрибадан ўтказишаётир, кимдир шиша колбаларда қандайдир моддани эритиб кўрмоқда. Маълум бўлишича, ўқувчилар яқин орада Олмалиқ Кимё комбинатининг муҳташам саройида «Биз кимёгарлар шаҳрида яшаймиз» мавзусида илмий-назарий-амалий конференция ўтказишаркан. Ҳозир менинг кўрганларим ўша катта ишга тайёргарликнинг бир бўлаги эди...

Мўмин ҚАЮМ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ таълими соҳасидаги чиқарган бир қатор фармонларини бажариш ва умумтаълим мактабларида таълим-тарбияни янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, гарчи аста-секинлик билан бўлса-да, йўлга қўйилмоқда. Чунончи, келажак авлод тақдирини ўйлаб, муаллим ва ўқувчиларга керакли даражадаги шарт-шароитни ҳозирлаган ноҳия халқ таълими бўлимлари, жойлардаги жамоа хўжаликлари сони жумҳуриятимизда тобора кенг қулоч ёзмоқда.

Бу каби тадбирларни бажаришда Қашқадарё вилоятидаги Ғузор ноҳия халқ таълими бўлими ҳамда у ердаги мавжуд давлат жамоа хўжаликлари ҳам бошқалардан ортда қолаётгани йўқ.

Бу ҳақда ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири Ҳусниддин Нуриддинов билан мулоқотда бўлдик.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

— Ҳусниддин Нуриддинович, Ғузор ноҳия халқ таълими бўлимининг Президент фармонлари юзасидан унинг ижроси йўлида кўтарган ташаббуслари вилоятда маъқулланмоқда. Шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Бир сўз билан шуни айтишим мумкинки, биз кўтариб чиққан ташаббус маълум маънодаги янгилик эмас, балки муаллимлар маънавий эҳтиёжини йўлга қўйишдаги фармонларнинг ижросини адолат торозусига солиб, уни амалда бажаришдаги кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир.

Эътибор беринг, маданий ва ахлоқий турмушимиздаги муаммолар ўқувчи ёшларга таълим ва тарбия беришга эътиборини янада кучайтиришни тақозо қилмоқда. Савол туғилади: хўш, бу эътибор кимларга боғлиқ бўлиши мумкин? Ўз ўзидан аёнки, уни фақат бир киши — ўқитувчигина бажариши мумкин. Бунинг учун эса муаллимнинг энг биринчи навбатда ҳар томонлама кўнгли тўқ бўлиши лозим. Зотан, унинг рўзғори бут, маоши ўзини қониқтирадиган даражада бўлиши керак. Тўғри, бир пайтлари бу муаммоларни ҳал этишнинг сира иложи йўқ эди. Ниҳоят, жумҳурият Президенти масалага жиддий эътибор бериб, муаллимлар турмуш даражасини энг юқори поғоналардан бирига кўтариб чиқишга бел боғлади. Натижада бир қатор фармонлар ҳам юзага келди.

Имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда биз муаллимларимизни фармонда кўрсатилган барча имтиёзлардан баҳраманд бўлишига эришаётган эдик. Баъзан эса муаммоларга ҳам дуч келаётганимиз сир эмасди. Хайрият, энди ана шу муаммолар ҳам барҳам топадиган бўлди. Батафсилроқ гапирадиган бўлсам, яқинда севимли рўзномамиз «Маърифат»да бизнинг ноҳия халқ таълимига қарашли Крилов номли мактабдан «Саккиз сигирли мактаб» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақола ноҳиямизда кенг ўрганилиб, барча ташкилотлар ҳамда давлат жамоа хўжаликлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Кейинроқ эса халқ депутатлари Ғузор ноҳия кенгаши раёсати ташкилотларининг раҳбарлари, давлат жамоа хўжаликларининг вакиллари билан йиғилишиб, ўқитувчиларга берилаётган имтиёзларнинг амалда қандай бажарилаётганлиги чуқур муҳокама этилди ва қатъий қарорга келишилди.

— Шу ўринда давлат жамоа хўжаликлари, қишлоқ шўроларининг фаолияти хусусида тўхталсангиз. Эҳтимол, ўқитувчиларга берилаётган имтиёзларни бажаришда ишини пайсалга солиб келаётган баъзи жойлардаги давлат жамоа хўжаликларининг раҳбарлари ҳам бу борада «сахийликлари» тутиб кетса, ажаб эмас.

— Бизда жамоа хўжаликлари ўтган ўқув йилидан бошлаб мактабларга аҳамият беришга киришганликларини алоҳида таъкидлашни истардим. Чунончи, бир қатор жамоа хўжаликлари 100 нафардан ортиқ ўқитувчини энг серунум жойлардан ер-участкалари билан таъминладилар. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Эркин нархларнинг жорий этилиши муносабати билан талабалар, нафақахўрлар ва меҳнаткашларнинг имтиёзли умумий овқатланишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорини бажаришда ҳам бизга беминнат ёрдам беришмоқда.

Мисолларга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Ноҳиямиздаги учта жамоа хўжалиги барча мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашни ўз зиммаларига олишган. Шукркким, шу кунгача улар бизга панд беришгани йўқ. Мактабларимизда ҳар куни сут, қатиқ, турли хил қувватга эга бўлган кўкатлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар узлуксиз келиб турибдики, бунда бевосита ана шу жамоа хўжаликларига раҳмат айтгим келади.

Яна шу масала билан боғлиқ бир нарсага алоҳида тўхталишни истардим. Ноҳиямиздаги Майна Ҳасанова номли давлат жамоа хўжалиги (директори Ҳалим Соатов), Навоий номли давлат жамоа хўжалиги (директори Эшпарда Ёрматов) ташаббус билан чиқишди. Шу пайтгача ноҳиямиздан фанларарО ўтказиладиган олимпиадаларда вилоят, жумҳурият миқёсида қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларимиз ҳам, уларни тайёрлашда заҳмат чеккан ўқитувчиларимиз ҳам нари борса раҳматнома билан чегараланиб қолишарди. Илғор давлат жамоа хўжаликларининг ташаббуси билан энди ана шундай ўқувчи ҳам, ўқитувчи ҳам, агар жумҳуриятда биринчи ёки иккинчи ўринни олсалар, ҳар бири 2 минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланадиган бўлишди. Вилоят олимпиадасида қатнашган ўқувчига эса, қайси ўринни олишидан қатъи назар, 50 сўмдан пул мукофоти белгиланадиган бўлди.

Давлат жамоа хўжаликларининг мактабларимизга кўрсатаётган беғараз ёрдамлари муаллимларимизни ижодкорликка, ўқувчиларимизни яхши ўқишга ундамоқда. Ҳар йили 50 нафар ўқувчини 25 сўмдан стипендия билан таъминлашда ҳам ана шу жамоа хўжаликларимиз раҳнамолик қилмоқда.

Дарвоқе, мақтанчоқликка йўймассиз, яқинда улар «Наврўз» байрамини ўтказиш учун яна 9 минг сўм пул ажратиб беришди. Бу пул, Наврўз айёмида иштирок этиб, уни ўтказишда, билимлар синовида энг яхши ўринларни олганларга берилади.

— Демакки, ноҳия халқ таълимида давлат жамоа хўжаликлари билан боғлиқ бўлган барча ишлар кўнгилдагидек деса бўлади. Шундай эмасми, Ҳусниддин Нуриддинович?

— Нега, муаммолар ҳам бор, албатта! Маълумки, ютуқлар бор жойда нуқсонларнинг бўлиши ҳам табиий ҳол. Буни мен қуйидаги мисоллар билан изоҳлашим мумкин. Мана, ниҳоят қиш ўтиб, баҳор келди ҳам. Бироқ бошқа жойларни билмадим-у, бизда аҳвол анчагина оғир бўлди. Чунки баъзан мактабларимизда ёқилғи масаласи ҳанузгача муаммолигича қолиб келмоқда. Ёки мактабларни таъмирлаш, қурилиш ишлари ҳам ўтган йили кўнгилдагидек бўлмади.

Албатта, бу ишларнинг суст бажарилишида йўл қўйилган камчиликлар учун биз ноҳия халқ таълимидагилар қаторида давлат жамоа хўжаликларининг ҳам маълум маънода ўзига лойиқ «улуш»лари бор. Эндиликда улар ўтган йилги хатоларни тузатиш мақсадида қурилаётган янги мактабларимизнинг тезроқ битиши учун ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, ўқув йилининг якунида бўладиган таъмирлаш ишлари учун улар бизга турли хилдаги бўёқлар, тахта, ғишт ва шунга ўхшаш тобора топилмас бўлиб бораётган материалларни ҳозирданоқ келтириб беришмоқда.

Хуллас, жумҳурият раҳбарияти муаллимларнинг моддий аҳволини яхшилаб олишга эътиборни қаратиб, бу йўлда қатор фармонлар чиқараётган экан, уни амалда бажариш кўпроқ муаллимларга боғлиқ бўлмай, оталиқ ташкилотларидан катта куч, бағри кенгликни талаб этади. Ҳозирча биз ноҳиямиздаги мавжуд оталиқ ташкилотларининг кўрсатаётган беғараз ёрдамларидан беҳад хурсандмиз.

Дарвоқе, қарс икки қўлдан чиқади, дейишади-ку! Ҳали ноҳия халқ таълимимизда қилинадиган ишлар жуда кўп. Уларни бажаришда ҳам биз бевосита оталиқ ташкилотларимизга суянамиз, улардан мадад кутамиз.

Мухбиримиз.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Рўзномамизнинг шу йил 27 февраль сонида эълон қилинган ҳужжат — «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими муассасалари ва ташкилотлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом» лойиҳасини эътибор билан ўқиб чиқдим. Унинг 3-бобидаги 7-бандда: **«Узоқ муддат даволанишда бўлган... ходимлар аттестацияси у ишга чиққандан сўнг ками билан бир йилдан сўнг ўтказилади»**, — дейилган.

Юқоридаги сатрлар муҳим ва маъқул гап. Бироқ сурункали касалликлар (қандли диабет, қон босими, асаб, юрак қон-томир ва бошқа касалликлар) ҳақида ҳеч гап айтилмаган, чунки бу касалликлар доимо тиббиёт ходимлари назоратида турадиган касалликлар бўлиб, бундай бетоб бўлган ходимлар илгари аттестациядан ўтказилмас эдилар. Менимча, бундай ходимлар жуда кам бўлиб, Ўзбекистондаги ўқитувчилар сонининг тахминан бир ёки икки фоизни ташкил қилса керак. Шунинг учун 7-бандга қўшимча қилиб: **«Сурункали касалликлар билан оғриб, тиббиёт ходимлари томонидан назорат қилиниб, рўйхатга олинган ва иш стажи 25 йилдан кам бўлмаган, нафақа муддатига бир ёки икки йил қолган кекса ўқитувчиларнинг олдинги тоифаси сақланган ҳолда аттестациядан ўтказилмасин»**, деган ибора киритилса, маъқул бўларди. Бу сурункали касалдан азоб чекиб юрган, нафақага чиқишга оз вақт қолган кекса ўқитувчилар учун иззат-ҳурмат, обрў-эътибор ҳамда имтиёз бўларди ва айни пайтда уларнинг ҳуқуқлари қонун йўли билан муҳофаза қилинар эди.

Р. ҚОДИРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл ноҳияси С. Раҳимов номли ўрта мактаб ўқитувчиси.

●

ЭСЛАТМА: Ҳурматли муштарийларимиз мазкур Низом ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни йўллашда рўзномамизнинг 27 февраль сони 1-саҳифасидаги материалда алоҳида таъкидланган илтимосга риоя қилсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Яъни: **«Таклифларингизни 1992 йил 15 мартгача қуйидаги манзилга юборишингизни ёки қўнғироқ қилишингизни сўраймиз: 700078, Тошкент, Намойишлар хиёбони, 5-уй. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Телефонлар: 39-16-69, 39-40-82».**

«Ўқитувчи—92»: унутилмас кунлар

ҚУШЛАР БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

Аввал билдирганимиздек, «Ўқитувчи—92» кўрик-танловининг иккинчи босқичи Тошкентдаги 110-ўрта мактабда уч кун давомида олиб борилди. Бу ерда муаллимлар ўзлари ихтисослашган ўқув фани бўйича «бир соатлик ўқитувчи» вазифасини бажардилар.

Биз танлов иштирокчиси, Жиззах шаҳридаги 7-ўрта мактабнинг биология ўқитувчиси Абдушукур Носировни қарийб, биология кабинетидан топдик. Муаллим хонада якка ўзи у ёқдан бу ёққа юрар, синф тахтасига нималарнидир ёзарди. Сездикки, демак, у бўлажак машғулот учун ўзини руҳий жиҳатдан тайёрламоқда...

Қўнғироқ чалинди. 8-«А» синф ўқувчилари ўқув режасига биноан биология кабинетига кириб келдилар. Уларнинг кетидан ҳакамлар ҳайъатининг аъзолари, мухбирлар, яна биологиядан намунали сабоқни тинглашга қизиққан муаллимлар ташриф буюришди. Ўқитувчи болалар билан саломлашгач, машғулотни бошлаб юборди: болалардан қушларнинг аҳамиятини қисқача гапириб беришни сўради. Улар биринкетин туриб ўз фикрларини билдирдилар: қушлар қишлоқ хўжалиги, айрим ҳолларда умуман халқ хўжалиги ва инсон саломатлиги учун зарар келтирувчи ҳашаротларни ейди. Уларнинг сайраши, учиши, рангининг гўзаллиги, солланиб юриши, ирсияти бўйича амал қиладиган «удумлари» кишига завқ бағишлайди. Шоирларнинг илҳомини келтиради. Улар табиатда энг беозор, ҳуркак, ҳимояга муҳтож жонивор ҳисобланади. Шу қаторда, парранда гўшти, тухуми жуда яхши пархез таом бўлиб, бемор кишининг тезда оёққа туришига, дармонга киришига ёрдам беради.

Муаллимнинг суҳбатни тўсатдан қушлар мавзуидан бошлаши, синф тахтаси, ўқитувчи минбари четига қўйилган дарс жиҳозларидан шу нарса маълум бўлдики, демак, бугун асосан қушлар ҳақида сабоқ берилади.

Машғулотнинг кириш қисми қушлар оламига саёҳатдан бошланди. Одатда дарсларнинг бош қисмида оммавийлаштирилган мавзу ҳақида қисқача сўзлар юритилади, бундан олдин ўтилган мавзу мустаҳкамланади. Ўқитувчи Абдушукур Носиров эса бошқача йўлни танлади. У кириш қисмини ҳам машғулот мақсадига бўйсундирди ва бу дарсни бошдан охиригача савол-жавоб, суҳбат тарзида олиб борилишини эълон қилди.

Ўқитувчи синф аҳлига шундай мурожаат этди: «Болалар, дунёда қушлар билан боғлиқ қандай қизиқарли воқеаларни биласиз?»

Ўқувчилар қўл кўтариб, тартиб-одобни сақлаган ҳолда фаоллик кўрсатишди. Болаларнинг бундай фаоллигидан уларни қушлар масаласида билимсиз деб бўлмасди. Улар орасида хонадонида қуш боқувчилар ҳам кўп экан. Демак, болаларнинг жавобига кўра, Буюк Британияда бир ошхонага мижоз келмай қўяди. Шунда ошхона бошлиғи каптарларни ҳар хил рангда бўяб, ошхона устида учиради. Бундай «бепул томоша» ҳар куни ижро этилади ва одамларнинг эътиборига тушади. Атрофга тўпланадиган одамлар шу ошхонага ҳам бир бор кириб ўтадиган бўлишади.

Иккинчи мисол шундан иборатки, Америкада 80-йиллари кўчада турган машиналарнинг баллонлари ўз-ўзидан бўшаб қолаверган. Кунларнинг бирида изқувар полициячилар «безори» ни тутишди. Аниқланишича, баллонларни бўшатаётган — бир одамнинг қочиб кетган тўтиси экан.

Муаллим болалар эътиборини ҳашаротларга ҳам қаратди ва синф аҳлига қисқа вақтда хонаки ҳашоратлар хусусида маълумот берди. Бунга кўра, асалари ва ипак қурти хонаки ҳашарот саналади. Ҳозир уларнинг тури кўпайиб боряпти. Қишлоқ хўжалиги лабораторияларида фойдали ҳашаротлар сунъий равишда етиштириляпти.

Синф тахтасига янги мавзу ёзилди: **«Қушлар бизнинг дўстимиз».**

Эътибор берган бўлсангиз, биология дастурида бундай мавзу йўқ. Паррандалар хусусида «Фойдали ва зарарли қушлар» мавзуси бор. Муаллим эса бу ўринда ҳам ўзига хос йўл тутиб, дарс сарлавҳасини мутлақо ўзгартириб юборди. Албатта, ташқи муҳит таъсирида қушлар кескин камайиб кетаётган бир пайтда бундай умумлашма мавзунинг аҳамияти каттадир.

Инсонлар қушларга қадимдан муҳаббат қўйишган. Масалан, буюк шоиримиз Алишер Навоий «Лисонут — тайр» («Қуш тили») достонида ўз жамиятидаги инсонлар ҳаётини қушлар орқали акс эттирган.

Ҳозир ер юзида 9 мингта қуш тури саналган. Қушлар индивидининг умумий сони эса тахминан 100 миллиардга боради.

...Муаллим синф тахтасига ранг-баранг расмларни осиб қўйди. Уларда қушларнинг турлари акс эттирилган эди. Қафасдаги қушлардан ҳам кўргазмалилик учун фойдаланилди. Ўқитувчи болалардан қушларнинг тузилишини сўради.

Биринчи ўқувчи: Қушларнинг тузилиши яшаш шароитига мослашган. Уларнинг олд қисми ингичка бўлиб, бу учиш учун қулайлик туғдиради. Қушларнинг қаноти учишга ёрдам берса, думи бошқарувчилик вазифасини бажаради.

Иккинчи ўқувчи: Қушлар дарахтлардан, ерлардан зарарли ҳашоратларни териб ейди. Бунга мисол қилиб қизилиштонни келтириш мумкин. Паррандалар мева донини еб, далаларга тарқатади. Уларнинг ахлатида азот ва фосфат бор. Бу элементлар далага фойда келтиради.

Яна бир ўқувчининг айтишича, қушлар орасида гулларни чанглайдиганлари ҳам бор экан. Мисол учун, колибра қушини олайлик. У секундига 50 марта қанот қоқади, гуллардан «бўса» олади. Бу қуш асосан тропик ўрмонларда яшайди.

Шундан кейин муаллим минбар устига уч хил — қизил, сариқ, кўк рангдаги конвертлар қўйди. Уларга ҳам уч хил — оғир, ўрта ва енгил саволлар яширилган. Болалар «чекига тушган» саволга жавоб топишлари керак. Бунда бериладиган топшириқнинг қай даражада эканлиги ҳам ҳисобга олинади. Ўқитувчи жавоб берувчиларни бир йўла баҳолаб бориш учун ҳар бир қатор ўқувчилар орасидан ўзига ёрдамчи-масалаҳатчи сайлаб олди. Маълум бўлдики, демак, ўқувчилар ўз-ўзини баҳолашар экан.

Синф тахтаси олдига биринчи уч ўқувчи чиқди. Улар ўзларига тушган саволга бироз тайёргарлик кўришгач, навбати билан жавобга ўтишди.

Биринчи (енгил) савол: Қандай қушларни яхши кўрасиз?

Жавоб: Каптар, қизилиштон ва қалдирғочни...

Ўқувчилар бу қушларга таъриф беришди.

Иккинчи (ўрта) савол. Қайси қушлар кузда ўлкамиздан учиб кетади?

Жавоб: Қалдирғоч, лайлак, турна, кўккарға... Уларни учиб кетишга ирсий хусусияти, иссиққа мослашганлиги мажбур қилади.

Муаллим бу ўринда ўқувчиларга янгилик бўлган ушбу маълумотни берди: «Тажриба-синов сифатида учиб кетадиган қушларни қафасга қамаб қўйишган. Учиш вақти келганда, улар безовталанишган. Вақт ўтганидан кейин эса тинчланишган. Демак, қушларнинг учиб кетишининг ҳам ўз вақт-соати бор экан».

Учинчи (мураккаб) савол: Учаётган қушлар нега йўлдан адашмайди?

Ўқувчи шундай жавоб берди: уларнинг думи рул вазифасини бажаради.

Бу жавоб ҳеч кимни қониқтирмади. Шунда муаллим ва болалар бирма-бир ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Уларнинг айтишича, иссиққа ўрганган қушлар бошқа қитъаларга учиб кетади ва ўзининг эски уясига қайтиб келади. Бунда уларга ирсий хусусияти (инстинкти, шартли рефлекс) ёрдам беради. Улар юлдузларни мўлжал қилиб, қуёш нурининг ерга тушиш проекцияси ёрдамида йўл топадилар. Қушларга йўлдан адашмасликда, айниқса магнит майдони қўл келади. Шунинг учун улар ҳар қандай шароитда ҳам йўлдан адашмайдилар.

...Яна уч ўқувчи синф тахтаси олдига чиқди. Уларга мана бундай саволлар тушди: қандай қушлар учмайди? Қушларнинг асосий озуқаси? Қайси қушларнинг номи сайрашига қараб қўйилган?

Болалар ва муаллимнинг жавобларича, биз билган паррандалардан пингвин, товуқ, туяқуш, хонакилашган ғоз ва ўрдаклар, курка учмайди. Улар кўпроқ юришга, сузишга мослашган. Бу қушларнинг оёғи узун, бақувват, қанотлари калта, юки оғир бўлади. Туяқуш соатига 70 км. тезликда югура олади.

Қушлар асосан дон, ҳашарот, балиқ ва гўшт билан озиқланади. Қалдирғоч учиб кетаётиб пашшаларни тутади. Сув ача олади. Чағалай эса сувдан балиқ тутиб ейди. Қушларнинг йиртқич турига кирувчилари дала сичқони, балиқ, қуш, қуён, кийик, қўй ва ҳоказоларни овлайди. Агар уларга зарар етказилса, ҳатто одамнинг ҳаётига хавф солиши мумкин.

Қушлардан какку, чуғурчуқ, ҳут-ҳут, зоғ, пиё-пиёв ва ҳоказоларнинг номи уларнинг сайрашига қараб қўйилган.

Бу элемент ниҳояланди, яхши жавоб берган ўқувчилар алоҳида рағбатлантирилди. Шундан сўнг навбатдаги элементга ўтилди. Ҳар бир партага биттадан қушнинг рангли, жозибадор, баъзида кулгили расмлари тарқатилди. Шарт бўйича болалар расмларга қараб ҳикоя тузишлари керак эди.

Қўл кўтарган биринчи ўқувчига оққушнинг расми тушган экан. У шундай ҳикоя қилди: оққуш сувда сузади, сузганида пардали оёғи ёрдам беради, пати зич жойлашган. Сув ҳайвонлари билан озиқланади. Оғзи сувни фильтрлайди. Унинг қуймичида бези бор. Бу безданиқ ёғни оққуш бутун баданига суртади, шу сабабли унинг танасига сув ўтмайди.

Иккинчи ўқувчининг жавоби шундай: укки йиртқич парранда, кечаси овга чиқади. Кемирувчиларни ейди. Унинг кўзи ва қулоғи кечасига мослашган. Укки билан бойўғлининг фарқи шундаки, уккининг бошида иккита кокили бор, бойқушда эса кокил бўлмайди.

Навбатдаги жавоб мана бундай: кал жўжи — калхатлар турига мансуб. Йиртқич қуш. Тумшуғи, панжаси ўткир, кундузи кўпроқ қушларни овлайди.

Шундан сўнг магнитофон орқали қушларнинг магнит лентасига ёзиб олинган товушлари қўйилди. Болалар буни тезда топишди. Уларнинг айтишича, биринчи бўлиб товуқ қақағлади. Иккинчи — қарға ваҳимали қағиллайди. Учинчи бўлиб эса ўрдак ва ғозлар товуш берди...

Энди синф аҳлига оқ қоғозга чиройли, рангли қилиб ишланган қуш оёқларининг расми кўрсатилди. Биринчиси — ингичкароқ оёқ, лекин панжалари гажжак, бақувват, тирноқлари ўткир. Болаларнинг эътироф этишича, бу лочиннинг оёғи экан. Кейин ингичка, узун, пардали оёқ кўрсатилди. Бу — ўрдакники экан. Кичкина, калта, аммо панжалари ёйиқ, тирноқлари чайир оёқ эса қизилиштонники бўлиб чиқди.

Эндиги навбат «Ажойиботлар майдончаси» бошқотирмасига келди. Синф тахтасига устма-уст бешта, олтита ва еттита катак чизилди. Бошқотирманинг шарти шундай: катакларга зарур ҳарфларни қўйиб чиқинг, шунда 1-хонаки парранда, 2 — ёввойи қуш, 3 — тўни чиройли, қўлга ўргатиладиган, ит бўлиб вовуллай оладиган қушларнинг номи келиб чиқади.

Болалар бир неча уриниш, таниш қушларнинг номини санаб ўтиш натижасида бошқотирма жавобини аниқлашди. Маълум бўлишича, 5 ҳарфли катакда товуқ, 6 ҳарфлида туяқуш, 7 ҳарфлида эса тўтиқушнинг номи ёзилиши керак экан.

Бу бошқотирманинг машғулотда қўллангани яхши, ҳарҳолда у болаларнинг тезкорлигини, фаолиятини оширишга, фикрий доирасини кенгайтиришга мўлжалланган. Аммо унинг шартлари 8-синф ўқувчилари учун жуда енгиллик қилади. Агар бошқотирмани мураккаблаштирилса, яхши самара бериши ва машғулотнинг қизиқарлилигини янада ошириши мумкин.

Навбатдаги бошқотирмага ўтилди. Синф тахтасига учта тўртбуручак қоғоз осилди. Улардаги ёпиштирилган пакетларда ҳарфлар бетартиб қўйиб ташланган. Агар ҳарфларнинг ўрнини топиб ўз жойига қўйилса, қандайдир қушнинг номи келиб чиқади. Ўқувчилар айрим тортишув, баҳслашув ва бошқотирмадан кейин жавоб топишди. Демак, синф тахтасида чуғурчуқ, қалдирғоч ва синчалакнинг номи ёзилиши керак экан. Бу номлар синф парта қаторлари асосида бўлган уч гуруҳ ўқувчиларга берилди. Энди уларнинг олдига шарт қўйилди: чуғурчуқ, синчалак, қалдирғоч гуруҳидан ўқувчилар навбатма-навбат туриб, қушларга тақлид қилиб сайраб беришлари керак. Бунда уларнинг паррандалар товушини нечоғли ўхшатиб сайрашлари ҳисобга олинади ва шунга яраша баҳо қўйилади. Мусобақада ғолиб чиққан қўмонда гуруҳига эса машғулот байроқчаси топширилади.

Машғулот сўнгида муаллим маслаҳатчиларнинг фикрини тинглаб, ўндан ортиқ боланинг кундалик дафтарига «4» ва «5» баҳо қўйди. Уйга вазифа қилиб эса қушлар ҳақида материал тўплаш, Ўзбекистон «Қизил китоб»ини кутубхонадан олиб ўқиш топширилди.

Энди мазкур машғулот хусусида баъзи бир якуний таҳлилий фикрларимизни ҳам айтиб ўтайлик. Бу машғулотни кўпроқ «дарс-викторина» десак тўғри бўлар. Чунки унинг хусусияти, қизиқарлилиги, мусобақа, бошқотирмага бойлиги бизга қушлар мавзусига оид ўтказиладиган тадбирни эслатади. Унинг номи ҳам одатдаги дарс мавзуларидан, соф илмийлик ёки услубийликдан анчагина фарқ қилади.

Бизнинг дарс учун танланган мавзуга нисбатан ҳеч қандай эътирозимиз йўқ, аксинча, уни олқишлагимиз келади. Чунки 8-синфда қушлар мавзуси бор ва бу мавзу анчагина жонли, янгиликка бой, сермазмун ўтди. Агар унга республика миқёсида олинган кўрик-танлов нуқтаи назаридан қарасак-чи? Бундан ташқари, бу ерда биология ўқув фани бўйича вилоятда энг кучли деб тан олинган ўқитувчи машғулот ўтаяпти. Шундай экан, бизнингча, танловнинг намунали дарси учун бирмунча мураккаброқ мавзу олиниши керак эди.

Аммо, нима бўлганда ҳам, мазкур мавзуга 8-синф доирасида чуқур кириб борилди, муаллим ўқувчиларнинг қалбини ром эта олди. Бу машғулотга, агар янглишмаётган бўлсак, 20 балли тартиб бўйича 15,8 балл баҳо қўйилди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

ХАЛҚ МЕРОСИ — ХАЗИНА

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

Маълумки шу кунларда мактабларни миллийлаштириш, ўтмиш урф-одатларимизни қайтадан шакллантириш хусусида гап-сўзлар кўп айтилмоқда. Олимларимиз, педагогикада узоқ йиллар тажриба орттирган мутахассисларимиз ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини ўртага ташламоқда.

Тошкент шаҳридаги Лутфий номли 254-ўрта мактабда ана шу масалага алоҳида аҳамият берилганига ҳам анчагина вақт бўлиб қолди. Жамоатчиликнинг билдираётган фикрларига қараганда, эришилган натижалар чакки эмас. Шунингдек, бу борадаги нуқсонлар ҳам етарлича. Яхшиси, шу мактабнинг директори Йўлчи Абдуллаевнинг мактабда ўқувчиларни миллий урф-одатлар, расм-русумлар руҳида тарбиялашда эришган ютуқлари хусусида мухбиримиз билан қилган суҳбатини фикрингизга ҳавола этамиз.

— Бугунги кунда фарзандларимизни, хусусан, мактаб ўқувчиларини маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий тарбиялаш ҳаммамизнинг энг аввало, муаллимнинг муқаддас иши бўлмоғи зарур, — дея ўз фикрларини баён эта бошлади Й. Абдуллаев — Чунки ёшларимиз ҳам биз катталар каби узоқ йиллар давомида миллий тарихимиз, маданий меросимиз ва маънавий эътиқодимиз, миллий қадриятларимизнинг нуридан етарлича баҳраманд бўла олмадилар. Ўзимизнинг гўзал урф-одатларимизни бир ерга суриб қўйиб, Оврўпо халқларининг урф одатларини ҳаётимизга тобора мужассамлаштира бордик. Натижада кўркам, бежирим, мўъжизакор, ранго-ранг одатларимиз, анъаналаримиз ўрнини бачкана, асабга тегувчи «ясама» одатлар эгаллаб олди. Ҳатто биз ўзимизнинг мерос бўлиб келаётган одатларимизни бажаришга бошқалардан уяладиган, булар «эскилик қолдиғи» деб, улардан воз кечдик.

Аҳамият беринг, йиллар ўтиши билан ана шу бошбошдоқликлар туфайли фарзандларимиз на ўзбек ва на бошқа тилни тўлиқ ўзлаштира ололди. Уларни қўйлиг-у, ҳатто катталаримиз ҳам ўз она тилларига беписандлик билан қараб, ўзга тилларда сўзлашишни «мода»га айлантириб юборишди. Ниҳоят бизларда ҳам янгиланиш даври бошланиб, қадриятларимизга, ўтмиш анъаналаримизга қайтишдек муқаддас ишга қўл урилмоқда экан, уни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишга бурчлидирмиз.

Мактабимизда миллий руҳда ўқувчиларни тарбиялашга аҳамият қаратилган. Бунга ҳар бир педагог имкони борича ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Масалан, муаллимларимиз ҳар бир дарсда фақат белгиланган фандан билим бериб қолмай, маълум маънода маънавий тарбия ҳам бериб бормоқда, яъни халқимиз урф-одатларидан кўпроқ мисоллар келтириб, баъзи нарсаларни эса ҳозирги кун билан боғлаб ўтмоқда. Самара ҳам яхши бўлаяпти: тартиб-интизомнинг юксалиб бораётганлиги сезиларли даражада ўзгарди.

Авваллари биз интизомсиз болаларни ҳар жиҳатдан хўрлаш, ҳатто мактабдан четлаштириш даражасигача борганлигимиз сир эмас. Оқибати эса бундай болаларнинг кейинги тақдири ёмон натижалар билан тугади. Болани одобсизлик йўлига кириб кетишига, энг аввало, оиладаги муҳит бош сабабчи эканлиги маълум бўлди. Эндиликда эса бунинг ҳам йўлини топдик. Масалан, кўпчилик дарсларимиз очиқчасига ўтилиб, унга ота-оналар ҳам иштирок этишадиган бўлди. Ҳаётда кўп йиллик тажрибага эга бўлган нуронийлардан мактабга таклиф этилиб, «Одобнома» дарсларини уларнинг маслаҳатлари, ёрдамлари билан ўтказган пайтларимиз кўп бўлди «Адаб сабоқлари», «Оталар мушоираси», «Оналар суҳбати», «Ота-онага таъзим», «Сен тинч — қўшнинг тинч», «Одобинг-обрўйинг», «Қизлар мушоираси» каби мавзулардаги маърифий-таълимий баҳс-мунозаралар, бевосита уларнинг иштирокида ўтказилди.

Халқимизнинг қадимдан таркиб топган анъаналари, расм-русумлари жумласига меҳнатга муҳаббат, ватанга садоқат, кексаларга ҳурмат, ҳашар ўтказишлар қаторида Наврўз анъаналарининг алоҳида ўрни борлигини, унинг ёшларимиз онгида таъсири катта эканлигини таъкидламоқчимиз. Педагогик жамоамиз, ўқувчиларимиз уч йилдирки, Наврўз айёмини ўзгача бир тароват билан кутиб олишмоқда. Аниқроғи, бу байрамга ўқув йили бошидан тайёргарлик кўрилади. Тарбиявий соатлар ҳам бир-бирига ўхшамасдан, ўқувчиларнинг ёшига қараб, турли хилда ўтказилади. Булардан ташқари, гуллар сайри, ширинликлар танлови, уйда тайёрланган ноз-неъматлар келтирилиб, мактаб ошхонасида сотувга қўйилади. Тушган маблағ эса Оқтепа даҳасидаги боқувсиз қарияларга тортиқ этилади...

Мактабда ўқувчиларни миллий руҳда тарбиялашнинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу айнан ота-оналарга боғлиқ. Масалан, ўтмишда болаларни номозшомдан сўнг сабабсиз кўчага чиқарилмаган. Илгарилари бир болага етти қўшни ота-оналик қилган, деймиз. Лекин ҳозир-чи?.. Ҳар кимнинг фарзанди ўзига ширин бўлиб қолди. Қўшнининг боласи билан на маҳалладагилар ва на қўшнилар қизиқишади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларимизни миллий руҳ, ўтмиш анъаналари, урф-одатларимиз асосида тарбиялашга сидқидилдан киришганмиз. Аммо бу хайрли иш бир кунда ёки бир йилда бажарилмайди. Шунингдек, уни амалга ошириш фақат ўқитувчига боғлиқ эмас...

ЕТАКЧИГА ОСОНМАС

Ўн нафар кишининг бошини бирлаштириб, ягона мақсад сари етакловчи кишига нақадар мушкуллигини раҳбар бўлган киши яхши билади. У хоҳлайдими, йўқми, олдинда ўз ортидан келаётганлар йўлини ёритгувчи машъал бўлмоғи даркор. Аксинча, кўп инсоннинг уволига қолади. Бухоро вилояти Ғиждувон ноҳиясидаги Садриддин Айний номли 20-ўрта мактаб директори Шавқиддин Тиловов учун бу каби гаплар янгилик эмас. Негаки, ўзининг 33 йиллик раҳбарлик фаолиятида ўнлаб эмас, юзлаб одамларга етакчи бўлган.

Ҳозирда илм масканида 38 та синф, уларда 1270 ўқувчига 24 нафар муаллим сабоқ беради. Мактаб ўқувчилари ҳар йили вилоят, жумҳурият миқёсида ўтказилаётган фанлар бўйича олимпиадаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашаяпти. Битирувчиларнинг 20—24 фоизи илм олишни олий ўқув юртларида давом эттиришмоқда. Буларнинг бари масканда ишларнинг кўнгилдагидек эканлигидан дарак беради.

Тасвирда: Ш. Тиловов ўқувчилар даврасида.

А. АКМАЛОВ суратн.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

XVIII асрда Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида капиталистик ишлаб чиқариш усули қарор топганини, Францияда озодлик, тенглик ва қардошлик шиорлари остида буюк буржуа инқилоблари ғалаба қилганини тарих дарсидан биласизлар. АҚШдаги фуқаролар уруши туфайли буржуа муносабатлари қарор топди.

Иккита буюк буржуа инқилоби давлат билан фуқаролар жамияти ўзаро муносабатининг иккита турли нусхасини юзага келтирди. Франциядаги инқилоб инқилобий давлат томонидан қолоқ ва эскирган фуқаролар жамиятини ва унинг устидан ҳукмронликни қўлга киритиш омилини яратиб берди. Америкадаги инқилоб эса фуқаролар жамиятини давлат васелигидан аста-секин халос этиш ғоясини илгари сурди.

Инсоннинг табиат билан ўзаро алоқаси характерида катта ўзгаришлар рўй берди. Хўжалик фаолияти табиий мухитнинг ҳолатига тобора ҳалокатли таъсир ўтказаверди. Шаҳар аҳолисининг кўпайиши жами аҳолининг кўпайишидан бирмунча илгарилаб кетди. Дунёда йирик шаҳарлар, жўшқин иқтисодий ҳаёт марказлари борган сари кўпаяверди.

Жамиятни ривожлантиришда техника ютуқлари ва технологиялар тез-тез алмашиниб туриши, иқтисодий рақобат, инсоннинг ўз меҳнати натижаларидан бегоналашуви, меҳнаткашларнинг ўз иқтисодий ҳуқуқлари учун кураши каби омиллар равшанроқ намоён бўла борди. Пролетариатнинг эндигина юзага келган касаба ҳаракати давлатнинг сиёсатига таъсир ўтказа бошлади, бора-бора эса уни фуқароларнинг манфаатларини келиштирувчи қуролга айлантиришга кўмаклашди.

Масофанинг «таноби тортилгандек бўлди». Буғ транспорти ёрдамида энг олис жойларга ҳам етиб борилди. Рўзномаларнинг кенг миқёсда тарқалиши ахборот алмашишни, янгиликлар ва билимлардан баҳраманд бўлишни осонлаштирди.

Дин ёрдамида тинчлик, осойишталик ва руҳ мангулигига эришиш истаги билан бир қаторда ашаддий дахрийлик, дин пешволарини фош этиш одат тусига кира бошлади. Пулга, бойликка, сармояга сажда қилиш янги одат тусини олди. Сармояга эга бўлиш ҳаёт мазмуни бўлиб қолди. Гўзалликка интилиш билан бирга санъат фаолияти майдони кенгайиб, у кенг омма орасига кириб бора бошлади.

Аср ўрталарига бориб йирик машина ишлаб чиқариши вужудга кела бошлади. Саноатлашган маърифат кучайиб, инсоннинг жуда катта имкониятларини рўёбга чиқара бошлади. Теварак-атрофдаги бутун дунё жўшқин ўзгариб, ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида чинакам инқилобий силжишлар бошланиб кетди. Европа маърифати энг ривожланган маърифат сифатида майдонга келди, бутун дунёда унинг нишоналаридан нусха кўчира бошладилар.

Дунёда таъсир доирасига эга бўлиш учун урушлар, рақобатлар тобора шафқатсиз тус олиб, ҳатто вайронгарчиликларга ҳам сабаб бўлди, инсоннинг бахт-саодатга интилиши гарчи кўпинча сароб тусида бўлса ҳам, ҳар ҳолда тобора жўшқин тус ола бошлади. Ф. Энгельснинг саноатдаги тўнтариш ҳақида ёзган қуйидаги сўзларига қўшилмасдан илож йўқ: «Бу инқилоб айни вақтда фуқаролар жамиятида тўла тўнтариш қилди, унинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти эндигина уқиб олина бошлади» (Асарлар, М., II том, 243-бет).

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Саноатлашган маърифатга ўтишнинг асосий шарт-шароитларини таърифлаб беринг.
2. Саноатлашган маърифатга ўтиш пайтида ходимнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиш усули қандай қилиб ўзгарди?
3. Уйғониш даврида қандай олий мақсадлар ва қадриятлар юзага келди?
4. Парламентаризмнинг моҳияти нимадан иборат?
5. Янги маърифатга ўтиш одамларнинг турмушида қандай ўзгаришларга олиб борди?

14. ШАРҚ МАЪРИФАТИ

Шу пайтгача биз Европа маърифатларининг ривожланишини, яъни саноатлашган жамият вужудга келиши билан тугаган йўлни кўриб чиқдик. Бироқ бу — бирдан-бир йўл бўлмаганини эсда тутиш керак. Европа билан бир қаторда мутлақо бошқа қоидалар асосида ривожланган маърифатлар ҳам бўлган. Шарқ маърифати уларнинг бири эди.

«Шарқ — шарқлигича, Ғарб — ғарблигича, улар асло учрашолмас. Фақат — қиёмат қоим куни пулсиротдан қутилолмас».

Буюк инглиз ёзувчиси Редьярд Киплинг (1865—1936 йиллар) қаламига мансуб бўлган бу сатрлар ҳозир ҳам ҳамманинг эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Баъзилар Киплингнинг фикрига қўшилиб, ҳақиқатан ҳам Шарқ билан Ғарб бир-бирини тушуна олмайдилар, дейдилар. Бошқалар эса, аксинча, Шарқ европалашиб бормоқда, Ғарб эса Шарқ анъаналарига (фалсафасига, санъатига, тиббиёти ва шу кабиларига) тобора зўр қизиқиш билан қарамоқда, деб бу фикрга қўшилмаяптилар.

Аммо бу баҳсларнинг ҳаммаси ҳозирги Шарққа тааллуқлидир. Ҳозирги Шарқ Ғарб маърифатининг фазилатларини ҳам, иллатларини ҳам ўзига сингдириб олишга улгурди. Аммо у европаликларга дуч келишдан аввал қандай эди? У ўз қонунларига мувофиқ ривожланиб борган ва Ғарбга асло ўхшамаган ўзига хос дунё эди. Шарқнинг баъзи энг муҳим хусусиятларини тасвирлаб, шу фикрни исботлашга интилиб кўрамиз.

Биз Шарқ маърифати деганда, аввало, Ҳиндистон, Хитой ва Япония маърифатининг узоқ вақт мобайнидаги (эрамиздан аввалги икки мингинчи йил ўрталаридан то эрамизнинг XVII асригача давом этган) ривожини назарда тутамиз.

Нега энди? Бутун 3000 йил-ку-бу! — деб сўрашлари мумкин. Чунки бу вақт ичида Ғарбда бирин-кетин бир неча маърифат алмашинган эди.

Дарҳақиқат, замонлар бир-бирига монанд эмас. Аммо Шарқнинг биринчи хусусияти айни мана шундан иборат.

Шарқ маърифатининг барқарорлиги. Ғарб бамисоли сакрашни эслатадиган тарзда ҳаракат қилган эди. Ҳар бир сакраш натижасида эса (антик давр, ўрта асрлар ва шу кабилар билан бирга) эски қадриятлар тизими, шунингдек сиёсий ва иқтисодий тузилмалар ҳам барбод бўлиб турди. Шарқнинг ривожланиши эса, аксинча, силлиқ бир чизиқни эслатади. Бу ердаги янгилик шамоллари маърифат тиргакларини бузмайди. Аксинча, улар эски маърифатнинг ўзига сингиб, унда эриб кетади.

Бизга яна эътироз билдиришлари: тарихчилар Шарқда ҳам қулдорлик ва феодализм даврларини алоҳида ажратиб кўрсатадилар-ку, дейишлари мумкин. Бу ерда ҳам бадавий қабилаларнинг босқинлари бўлиб турган, давлат вайрон этилган, янги динлар пайдо бўлган. Хўш, «силлиқ йўлдан» ривожланиш қани?

Чиндан ҳам, Шарқда ҳам қулдорлик ва феодализм даврлари бўлган. Аммо бу ердаги қулдорлик билан феодализм ғарбдагиларига мутлақо ўхшамаган (х). Ҳатто изчиллик билан, бир-бирининг ўрнини олиб келган формация ҳақидаги таълимотни яратган К. Маркс ҳам Шарқ учун махсус «осиёча» ишлаб чиқариш усулини ажратиб кўрсатишга мажбур бўлган ва шу тариқа Шарқ унинг схемасига мутлақо тўғри келмаслигини тан олган эди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

ДАВРА СУҲБАТИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ: БУ КУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон республикамиз мустақилликка эришди. Ўзбекларнинг миллий тарихида катта аҳамиятга эга бўлган бундай қутлуғ воқеа барча соҳалар қаторида республика халқ таълими тармоғи, жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари олдига ҳам муҳим вазифаларни кўндаланг қўяётир. Бундай вазифалар йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни босқичма-босқич ҳал қилишга киришиш, унинг моддий базасини янада мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан бақувват шахс сифатида вояга етказиш, мазкур соҳани янги давр талабларидан келиб чиқиб музофотимиз шарт-шароитларига мослаштириш, уни иложи борича миллийлаштириш кабилардан иборат.

Ҳозирги кунда республикамизда жисмоний тарбия ва спортни кескин ривожлантириш бўйича мустақил қадамлар ташланаётир, дейиш мумкин. Шу йилнинг 14 январида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам фикримизга далил бўла олади. Куни кеча ўтказилган давра суҳбатида билдирилган фикрлар ҳам Қонун асосидаги вазифаларни ҳал этиш масалаларига бағишланди. «Думалоқ стол» атрофида олиб борилган мунозараларда, шунингдек, республика жисмоний тарбия ва спорт соҳасида йиғилиб қолган муаммолар ҳам қизғин таҳлил этилди, амалий таклифлар киритилди. Суҳбат жараёнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт бўлимининг мудири Қурбон Исломович Шаропов, шу бўлим назоратчиси Адҳам Мирзаев, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти жисмоний тарбия ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўлими мудири Тальат Усмонхўжаев, Тошкент районидаги 37-ўрта мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Рихсибой Файзиев, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт олий илмгоҳи проректори Фатхиддин Насриддинов, шу илмгоҳ жисмоний тарбия назарияси ва методикаси кафедраси мудири Раҳматилла Саломов, Куйбишев районидаги 171-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Сергей Орзуманов иштирок этишди.

Қ. Шаропов: Муҳтарам меҳмонлар, ўзингизга маълум, жисмоний тарбия ва спорт жуда кенг соҳа бўлиб, битта учрашув жараёнида унинг барча қирралари хусусида фикр алмашиб бўлмайди. Шунинг учун биз жисмоний тарбия ва спортнинг халқ таълими тизимидаги энг муҳим масалалари хусусида маслаҳатлашиб олсак

Умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, ўрта махсус ва олий педагогика ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан ташқари олиб борилаётган ишлар, фикримча, бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти. Қатор ўтказилган ўрганишлар ва текширувлардан кейин ана шундай хулосага келяпмиз. Жисмоний тарбиянинг дарсдан ташқари иш шакллари билан қамраб олинган ўқувчилар сони эса 50 фоиздан ошмайди. Айрим вилоятларда бундан ҳам камроқ рақамни кўрсатиш мумкин. Биз республикамизда жисмоний тарбияни дам олишнинг зарурий қисмига, бўш вақтни фаол ўтказиш мезонига айлантиришга ҳаракат қиламиз. Аммо бу борада ҳам «оқсоқлик»ларни кўриш мумкин. **Халқ таълими тизимида спорт мусобақаларини оммавий спорт байрами сифатида ўтказиш, айниқса, миллий спорт турларини ривожлантириш аста-секинлик билан бормоқда.**

Кейинги уч-тўрт ой мобайнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бундай муаммоларни ҳал қилиш борасида бирмунча ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ўқувчилар, талаба-ёшлар ҳамда мактабгача ёшдаги болалар орасида оммавий соғломлаштириш, спорт тадбирларини ўтказиш тизими ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди. Қорақалпоғистонда, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда икки-учтадан **миллий синов мактаблари** очиш ҳақида ҳам тавсиянома тузилди. Шунингдек, жисмоний тарбия дарсларида қизлар ва ўсмирларнинг спорт кийимлари оддий ва арзон матодан тикилиши, ўқувчи ва ўқитувчиларга бу борада кўпроқ эркинлик берилиши ҳақидаги фикрлар ҳам билдирилган.

Т. Усмонхўжаев: Миллийлаштириш ҳақида гап кетаркан, шуни ҳам айтиш лозимки, жисмоний тарбия бўйича ўқув дастури ишлаб чиқилаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ана шу дастурда, бизнингча, ўлкамиз иқлими ва жойлашуви, миллий анъаналарга хос хусусиятлари, мактабларнинг моддий имкониятлари ҳам ҳисобга олинмоғи керак. Ўқувчиларни жисмонан тарбиялашда мажбурий машқлар ўрнига миллий ҳаракатли спорт ўйинлари, жисмоний машқлар ва уларнинг турларини саралашда, уларнинг ҳажми, йўналиши ва таъсирчанлигини белгилашда ибн Синонинг «Ал-Қонун» китобида, Кайковуснинг «Қобуснома»си ва бошқа манбалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, **миллий кураш усулларидан (фарғонача кураш, бухороча кураш...), спортнинг миллий турлари бўлмиш «Човган», кичик «Улоқ», «Камондан отиш», «Батба», «Пойга», «Оломон пойга», «Ағдариш», «Шатранж», «Зувуллатар», «Оқ суяк», «Чўлпонқўл» каби ҳаракатли ўйинларни машғулотда қўллаш кўзланган натижани беради.** Шуни ҳам унутмаслигимиз лозимки, жисмоний тарбия ва спортни фақат миллий услубда ташкил этиш жуда қўпол хатолардан бири бўлур эди. Яъни ўқувчиларнинг қизиқиши, ёш ва жинс хусусиятлари, жисмоний тайёргарлиги ва ривожланишини кузатиш, шу асосда машқларни қайтадан ишлаб чиқиш, уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда Ғарбнинг мукаммал, тажриба синовларидан ўтган машқларининг ҳам аҳамиятини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Қ. Шаропов: Шу йил 18 январь куни вазирлигимизда жисмоний тарбия фаолларининг йиғилишини ўтказган эдик. Мажлисда халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошев жисмоний тарбия ва спортга халқчиллик руҳини бағишлаш, уни ривожлантиришни янги поғоналарга кўтариш хусусида ҳозирги кун муаммоларига тўхталиб ўтдилар. Шу асосда биз ўз вазифаларимизни белгилаб олдик.

Вазиримизнинг шахсий ташаббуси билан «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти қишлоқ мактабларидан айрим ўқувчиларни Тошкентга чақириб олишни мўлжаллаяпти. Кўзланган мақсад эса спорт билан шуғулланиш билан биргаликда ўқиш, дам олиш ва турли жойларга саёҳат қилиб ҳордиқ чиқаришдан иборат. Бу борада вазирликнинг махсус бўйруғи жойларга юборилган. Ҳозир пойтахтимизда қорақалпоғистонлик бир гуруҳ ўқувчилар меҳмон бўлиб туришибди.

Жисмоний тарбиядан миллийлаштирилган мактабларда 5-синфдан бошлаб қиз ва ўғил болаларнинг дарсларини алоҳида-алоҳида ўтказиш мўлжалланмоқда. Биз имкониятдан келиб чиқиб қиз болалар учун жисмоний тарбия дарсларини хотин-қиз мутахассислар ўтказиши лозимлигини тавсия қилаяпмиз. Бу, албатта, режа...

5—11-синфларда қиз болалар учун енгил атлетика ва спорт гимнастикаси қурилмалари устида бажариладиган машқлар ўқув дастуридан олиб ташланиши ва бунинг ўрнини миллий ҳаракатли ўйинлар билан тўлдириш, мусиқа садолари остида машқ бажариш ҳам мўлжалланмоқда. 9—11-синфларнинг ўспиринларига уларнинг келажакда оила бошлиқлари бўлиб етишишларини ҳисобга олиб, айниқса, қизларнинг оиладаги энг масъулиятли вазифаси — она бўлиб етишишларини назарда тутиб, уларга кўпроқ ҳаракатли машқларни ўрганишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаяпмиз.

Р. Файзиев: Мактабларни жисмоний тарбия бўйича миллийлаштириш борасидаги ишлаб чиқилган тавсияномада ўқувчиларнинг машғулотларда киядиган кийими масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Бу кийимлар асл нусхали, миллий кўринишга эга. Масалан, **қизлар учун қуйидаги кийим тавсия этилади: у оддий матодан, енги узун, бўйи 80—90 см. бўлиб, кенгроқ тикилади ва пастки қисмига резина ўтказилади. Кийимнинг пастки қисми бир хил матодан, кенгроқ лозим шаклида тайёрланади ҳамда пастки ва устки қисмларига резина ўтказилади. У худди шарвар шаклида бўлади. Оёқ кийими (шиппак)нинг таги арзон чармдан тикилади.**

Ўсмирлар учун яхтаксимон кўйлак, пастки қисми шарвар, пойабзали қурашчилар киядиган оёқ кийими бўлади. Юқорида кўрсатилган кийимни ҳар ким уйида оддий ва арзон матодан тикиб олиши мумкин.

Ф. Насриддинов: Жисмоний тарбиянинг жамиятимиз ва инсон ҳаёти учун нақадар муҳим эканлиги хусусида кўп ва хўп гапирилган. Аммо унинг аҳамиятига етарлича эътибор берилмаслиги натижасида бизнинг музофотимиз доирасида жисмоний тарбия ва спорт Оврупо мамлакатларидаги қадар оммалашмаган. Аслида эса жисмоний тарбияга маданиятли, кучли, чиниққан, гўзал, дадил бўлиш манбаи деб қарамоқ керак.

Музофотимизда жисмоний тарбия ва спортнинг талаб даражасида юксакликка кўтарилмаганини, менимча, турли сабаблардан ахтариш мумкин. Биринчидан, бу соҳа бизда кучли тарғибот қилинмайди. Иккинчидан, иқлим шароитимиз спорт учун жуда мўътадил эмас. Учинчидан, халқимизнинг турмуш даражаси оқсоқ. Навбатдаги сабаб: музофотимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базаси ночор аҳволда ва ҳоказо. Агар мустақил Ўзбекистонимиз шу яқин йиллар орасида ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олса, ишонаманки, бизда жисмоний тарбия ва спортнинг тез фурсатларда оммалашиб кетиши шубҳасиз.

Р. Саломов: Агар юқори синф ўқувчиларини қизлар алоҳида, йигитлар алоҳида қилиб гуруҳларга бўлиб ўқитилса, бунда талабалар жисмоний тарбия машғулотларидан тўлиқ юк (нагрузка) олган бўлардилар. Бундай услуб шу куннинг талабига жавоб беради.

Бизнинг илмгоҳимизда қизлар ўқийди, лекин жуда кам. Улар орасида қобилиятлилари борлигини алоҳида айтиб ўтгим келади. Илмгоҳимизга қизлар қанчалик кўп келса, шунчалик хурсанд бўламиз.

С. Орзуманов: Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида миллий кадрлар керак, шундагина бу соҳанинг ўзини миллийлаштириш лозим бўлади. Акс ҳолда кадрнинг миллий ёки бошқача бўлишида нима фарқ бор? Олий илм даргоҳларига ўзбек қизларини жалб этишнинг қандайдир йўлларини ҳам топишга тўғри келади. Ёш ўқитувчиларнинг эса малакасини оширишни такомиллаштириш лозим. Ҳозир бу масала қониқарли аҳволда эмас.

Жисмоний тарбиянинг нечоғли ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини биламиз. Мисол учун, ўқувчи мактабни битирганидан сўнг корхонада ёки бошқа жойда ишлайди, ўқийди, армия сафида бўлади. Бунинг учун у жисмонан чиниққан бўлмоғи лозим. Уни ҳаётга жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан ташқари машғулотлар орқали тайёрлаш мумкин. Ҳуллас, **жамиятимизга ақлли касаллар эмас, балки соғлом ақллилар керак.**

Ҳозир мактабларда жисмоний тарбия мутахассислари олдида талайгина муаммолар тўпланиб қолган. Масалан, машғулотда синфни иккига бўлиб ўқитиш, синфдан ташқари дарсларни такомиллаштириш, моддий базани яхшилаш ва ҳоказолар.

Ўйлаб кўринг, битта тўп 25 сўм туради. Баскетбол тўпи йўқлигидан, спортнинг бу тури қанчалик оммавий бўлишига қарамай, шуғулланмасликка тўғри келяпти. Нарх-наво ошиб боряпти, аммо жисмоний тарбияга ажратилган маблағ оширилмаяпти.

Биз синфдан ташқари махсус гуруҳлар билан ишлашни яхши йўлга қўймасак, қобилиятлар мактабнинг ўзидаёқ сўниб қолиши мумкин. Бунинг учун биринчи галда ўқитувчининг манфаатдорлигини оширишимиз керак. Бу билан демоқчиманки, махсус гуруҳлар учун ҳозир бир ставка дарсга ярим ставка миқдорида ҳақ тўланяпти.

Қ. Шаропов: Ҳозир жисмоний тарбия бўйича синфдан ташқари ишларга ҳар жойда ҳар хил маош тўланаётгани ва бунинг боиси нимада эканлиги хусусида бизга кўп мурожаат қилишяпти. Шуни айтиш керакки, синфдан ташқари ишлар учун тўланадиган иш ҳақи оширилгани йўқ. **Агар мактабнинг ўз маблағи бўлса, синфдан ташқари ўқишлар учун исталган миқдорда ҳақ тўланиши мумкин.** Бу масалани мактаб маъмурияти ва муаллимлар кенгаши ҳал қилади. Мазкур далиллар Халқ таълими вазирлигининг шу йил 16 январда чиқарган қарорида ўз аксини топган.

А. Мирзаев: Мактабларда жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этишнинг асосий вазифаларидан бири тиббиёт гуруҳларида иш олиб боришдир. Маълумки, ҳар ўқув йили бошида ўғил-қизлар тиббиёт текширувидан ўтказилади. Шундан сўнг улар асосий, тайёрлов, махсус даволовчи жисмоний тарбия, жисмоний тарбия дарсидан озод этилганлар тиббиёт гуруҳига тақсимланади. Бу гуруҳларда машғулот ўтказиш учун махсус тайёрланган жисмоний тарбия ўқитувчилари жалб этилади. Мактабларда ҳозир тиббиёт гуруҳларида олиб бориладиган ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Аслида эса жисмида, ривожланишида турлича нуқсони бўлган болаларни ҳам эл қатори жисмоний тарбия билан шуғуллантириш, уларни камситмасдан, аксинча, қизиқишини ошириб бориш керак бўлади.

Т. Усмонхўжаев: Тошкент шаҳар Октябрь ва Акмал Икромов ноҳияларида 76 минг бола таҳсил олади. Маълум бўлишича, шундан 5 минг болада турли хил касалликлар бор экан. Яъни, улар жисмоний тарбиядан тиббиёт гуруҳига киради. Республика бўйича эса бу рақам 60 мингга яқинроқ кўринишда. Бундай рақам тиббиёт гуруҳлари учун махсус ўқитувчилар тайёрлашни янада такомиллаштириш-дек муҳим вазифасини олдимизга қўяди.

Р. Файзиев: Бу борада вазирлик томонидан тегишли ҳужжатлар, тавсияномалар ўз вақтида чиқарилиб, жойларга юбориляпти. Умуман, республика жисмоний тарбия ва спорт соҳаси олдига қўйилаётган талаблар сира бўшаштирилган эмас. Биз иш жараёнида бунинг гувоҳи бўлиб келяпмиз. Энди гап вазифаларнинг қандай уддаланаётгани, чиқарилаётган қарорларнинг ҳаётга қай тарзда татбиқ этилаётгани масаласига тақаляпти. Бу борада аҳвол қониқарли эмас. Биз республика бўйича сафарда бўлганимизда шунга дуч келдикки, **кўп жойларда вазирлик томонидан юборилган ҳужжатлар мактабларга ўз вақтида етиб бормаяпти.** Агар ишнинг ижроси бўлмаса, ҳар қандай ғоя ва ташаббус, дастурлар ҳам манзилга етиб бормаёқ эскиради.

Биз шуни истаймизки, жисмоний тарбия бўйича илғор ўқитувчиларнинг иш услублари, эгаллаган тажрибалари ҳақида матбуотда мақолалар уюштириб турилса, кўнгилдагидек иш бўларди. Шунингдек, вазирликдан жисмоний тарбия ўқув фанига атаб чиқарилаётган турли хил ҳужжатлар педагогик матбуотда акс этса, биз учун анчагина енгиллик туғилади...

Ф. Насриддинов: Кўрсатмалар, тавсияномаларнинг чиққани яхши. Аммо ана шу фойдали ҳужжатларда кўрсатилаётган хайрли ва зарур ишларни қониқарли бажариш учун жисмоний тарбиянинг қизиқарлилигини, оммавийлигини ошириш лозим. Демоқчиманки, бу соҳа доимо қизиқарли. Фақат унинг афзаллик томонларини очиб бериш лозим.

Қ. Шаропов: Илгари йиллари мактабларда жисмоний тарбия бўйича ўқув нормативлари ишлаб чиқилган эди. Ўқитувчилар ана шунга асосан дарс ўтардилар. Хўш, бу норматив тўғрими? Ҳозирги кун талабига жавоб берадими? Бу ҳақдаги фикрни Талъат ака Усмонхўжаевдан эшитсак.

Т. Усмонхўжаев: Сиз айтган нарса бир неча йилдан буён халқ таълими олдида муаммо бўлиб ётарди. Ҳозир уни вазирлик томонидан ҳал қилишга киришилди. Вазирлик қарори билан бирга Ўзбекистонда жисмоний тарбия дастури ва концепция ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бу ҳужжатлар умумтаълим мактаблари, боғчалар ҳамда олий илмгоҳларга мўлжалланади. Унда республика иқлими, шарт-шароитлари ҳисобга олинади.

Ҳозир мутахассислардан бир неча гуруҳлар тузилган бўлиб, олдимизда турган вазифа республика болаларининг жисмоний ҳолатларини танлаб олиш услубида, илмий асосда ўрганиб чиқишдан иборат.

Р. Саломов: Айрим таклифларни ўртага ташламоқчиман. **Ҳозир вазирликнинг 1989 йилги буйруғи билан бошланғич синфларда жисмоний тарбия машғулотлари ҳафтасига уч соатдан олиб бориляпти. Бундай услубни юқори синфларда ҳам қўллламоқ керак.** Ана шунда бу машғулот асосий фанлар қаторидан ўрин олади.

Иккинчидан, юқорида айтилганидек, қизлар орасидан жисмоний тарбия муаллимлари сонини кўпайтиришимиз керак. Буни амалга ошириш учун ҳозирги кадрлар етиштириш ҳолати билан чекланиш нотўғри бўлади. Яъни, **қизлар кўпроқ ўқийдиган жойларда, масалан, педагогика билим юртларида жисмоний тарбия муаллимларини тайёрлайдиган алоҳида куллиётлар очиш лозим.**

Шунингдек, жисмоний тарбиядан зарур дарсликлар, методик қўлланмалар етишмайди. Плакатлар, кўргазмали қуроллар эса умуман йўқ. Борлари ҳам аллақачон эскириб, яроқсиз ҳолга келган. Тўғри, методик қўлланмалар қисман топилади, аммо уларнинг асосий қисми Москвада чиқарилган, ундаги тавсиялар бизнинг шароитимиз талабларига мутлақо жавоб бермайди. Демак, соф ўзбекча ёзилган қўлланмаларни, миллий ҳаракатли ўйинлар акс этган кўргазмали воситаларни кўпайтиришимиз керак бўлади.

С. Орзуманов: Биз ҳурматли домламиз Талъат Усмонхўжаев билан мактабда жисмоний тарбия ўтишга мўлжалланган китоб ёзгандик. Ўртоқларнинг айтишларича, бу Ўзбекистон жисмоний тарбияси тарихида биринчи чиқарилган китоб экан. Шундай бўлгач, унинг рус тилида ёзилганига қарамай, нечоғли аҳамиятга эга эканлигини тушунсак керак. Ана шу адабиёт атиги тўрт минг нусхада чиқди. Ноширлар қоғоз йўқлигини рўкач қилишди. Бу воқеа 1987 йили бўлган эди. Чиқмаган жондан умид, дейдилар. Биз китобимизнинг ўзбекча вариантини нашриётга топшириб қўйганмиз. Аммо унинг яқин йилларда чиқишига ишонгимиз келмай қолди. Чунки нашриётларда ҳанузгача жисмоний тарбияга панжа орасидан қарашади.

Т. Усмонхўжаев: Бу фикрга қўшилмай бўлмайди. Биз ўқитувчи ва мутахассисларга китоб ёзиб берувчи муаллифлар бор, лекин ёзилган ишни нашрдан чиқариш амри маҳол. Кичкинагина қўлланмани чиқариш учун уни ҳар хил чиғириқлардан ўтказгунча уч-тўрт йил керак бўлади. «Ибн Сино» нашриётига раҳмат, улар беш номдаги китобни кам нусхада бўлса ҳам чиқариб беришди. Эндиликда бу нашриёт ҳам ёзганларимизни олмай қўйди. Ҳуллас, аҳвол шундай бўлганидан кейин ким ҳам бу ишга уринарди. Менимча, Халқ таълими вазирлиги, ундан юқорироқ ташкилотлар бу ишга аралашишлари керакка ўхшайди.

С. Орзуманов: Республика ўқув-методика марказида нашриёт бўлими очилганини биламиз. Аммо улар жисмоний тарбия бўйича қандай китобга буюртма берганларидан хабаримиз йўқ. Ҳуллас, бу борада уларни ҳам зарур миқдорда ҳаракатга келтириш лозимга ўхшайди.

Т. Усмонхўжаев: Вазирлик бераётган маънавий мададларни инкор этиш нотўғри бўлур эди. Мана, вазиримиз муовини Йўлдош Саъдуллаевич Саиджонов, бўлим мудири Қурбонали Шаропов билан бу борада тез-тез маслаҳатлашиб турамиз. Улар бизга тегишли йўл-йўриқлар беришяпти. Агар ҳамкорлигимиз ҳозиргидек давом этиб турса, биз олимлар келажакда кўп ишларни қилишимиз мумкин. Мана, яқинда республика жисмоний тарбия муаллимлари уюшмасининг низомини тузиб чиқдик. Энди унинг ташкилий томонларини ҳал қилиш арафасида турибмиз. Бу уюшма ҳам кўпроқ жисмоний тарбиядан дарслик ва қўлланмалар тузиш иши билан шуғулланади. Агар бизга мадад бериб турилса, иккиуч йил ичида 10—15 йил муддат талаб қиладиган натижаларга эришамиз. Айтиш мумкинки, **яқин йиллар ичида мутахассис ва ўқитувчиларимиз адабиётлардан умуман қийналмайдиган бўлишади.**

Қ. Шаропов: Ҳозир жойларда жисмоний тарбия соҳасини кенгайтириш, такомиллаштириш, спорт бўйича мусобақалар ўтказиш мазмунини янги поғоналарга кўтариш вазифаси юклатиляпти. Бундай ташкилий иш билан биринчи галда «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятлари шуғулланиши керак. Аммо уларнинг ҳозирги бажараётган ишларини камситмаган ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, жойларда оммаваий спорт мусобақалари талаб даражасида уюштирилмаяпти. Улар ҳозир фақат вилоятларда бор бўлиб, мактаб билан шуғулланишмаяпти. Ҳолбуки, бу жамият учун ўқувчилар 50 тийин, муаллимлар 1 сўмдан бадал тўлаб боришади.

А. Мирзаев: Кўнгилли спорт жамиятларини халқ таълими муассасаларига янада яқинлаштириш учун нимадир ўйлаб топиш керак. Умуман олганда, унинг номи ҳам ҳозирги кунда ўзига муносиб бўлмай қолди. Бу номни ўзгартириш учун жойлардан таклифлар тушаяпти. Масалан, **мутахассисларимиз «Меҳнат резервлари» номини «Лочин», «Қалдирғоч», «Алпомиш» ёки бошқача қилиб ўзгартиришни айтишяпти. Агар газетхонлар ҳам ном танлашда ўз таклифларини билдиришса, фойдадан ҳоли бўлмасди.**

Т. Усмонхўжаев: Ҳозир дастур ва концепция яратиш бўйича ишга киришилди. Дастурни келаси йилга, концепцияни эса шу йилнинг 1 июлигача тайёрлашни мўлжаллаганмиз. Дастур тайёрлашда бир йил вақт талаб қилиниши бежиз эмас, чунки ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади.

С. Орзуманов: Демак, чет элларда бўладигани каби, таълимнинг **муниципал** шакли яратилар экан-да?

Р. Саломов: Шундай деса ҳам бўлади. Бундай текширувни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад жисмоний тарбия бўйича янги нормативлар белгилашдан иборат. Ҳозирги мавжуд норматив эса Москвада ишлаб чиқилган бўлиб, мутахассислар хусусиятлари талабига жавоб бермайди. Оддийгина мисол келтирамиз: битирувчи синф қизлари енгил атлетикадан «5» баҳо олиши учун 140 см. баландликдан сакраши керак. Шунингдек, улар акробатикага оид мураккаб машқларни бажариши талаб этилади. Бу эса бизнинг шароитимизда, менимча, мантиққа зиддир.

Биз мактаб, боғча, ўқув юртлари, шаҳар ва қишлоқдан қанчадан болалар ва ўсмир-ёшларни ўрганишни белгилаб чиқдик. Бунда боланинг ҳаракат уйғунлиги, чаққонлиги, мувозанат сақлаши, чидамлилиги, ёши, бўйи, вазни, кўкрак ўлчами ва ҳоказолар ўлчанади. Шуни айтиш керакки, текширув пайтида қалбакичиликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Ана шулар асосида аниқ, ҳалол ва пухта нормативлар ишлаб чиқиш мумкин.

Р. Файзиев: Дастурда, умуман барча адабиётларда, жисмоний тарбияга оид русча атамалар ва сўзларни ўзбекчага ағдариш лозим. Ҳозир амал қилинаётган қўлланмаларда ўзбекчадан кўра кўпроқ русча сўзларни учратамиз. Шу қаторда жисмоний тарбия дарсини ва дарсдан ташқари ўқув жараёнларини она тилида олиб бориш, барча буйруқ ва кўрсатмаларни ўқитувчи тўғри талаффуз этиши, жисмоний машқ, жиҳозлар номи ва атамаларини таржима қилиш масалаларини ҳам ҳал этиш зарур бўлади.

А. Мирзаев: Дастур тайёр бўлгунича яна бир йил ўтади. Шу вақтда жисмоний тарбия муаллимлари қандай тартибда машғулот ўтадилар, деган савол пайдо бўлаяпти. Қисқаси, жисмоний тарбия мутахассислари томонидан махсус тавсиянома ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатиляпти. Бу ҳужжат шу бир йил давомида дастур вазифасини ўтайди, дейиш ҳам мумкин.

Т. Усмонхўжаев: Жисмоний тарбия муаллимларининг фикрига кўра, ҳафтасига икки соат машғулот ўтиш камлик қилаётганга ўхшайди. Нима ҳам дейиш мумкин, биз истиқболда бундай машғулот соатларини оширйш чораларини ахтариб кўрамиз.

Ривожланган мамлакатларда жисмоний тарбия мактабларда давлат фани сифатида биринчи галда ўтилади. Ҳар йили болаларнинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва тайёргарлиги текшириб турилади. Масалан, Олмония, Буюк Британия, Япония, Болгария ва Хитойда жисмоний тарбияга асосий фан сифатида эътибор берилади ва шу соҳадан имтиҳонлар жорий этилган. Хитойда жисмоний тарбия ўқитилишини яхшилаш мақсадида давлат кенгаши томонидан янги қонун тасдиқланган. АҚШ, Австралия, Куба ва Фаранг мамлакатларида эса бу дарс ҳафтасига 4—5 соатдан ўтилади. Умуман айтганда, ривожланган мамлакатлар орасида ҳафтасига 2—3 соат машғулот ўтадиган мактаб қолмади. Энг диққатга сазовор жойи шундаки, чет элларда жисмоний тарбия ўқитувчилари спорт майдончалари қуриш, таъмирлаш ва шунга ўхшаш хўжалик ишларига аралашмайдилар. Улар дарсларни қизиқарли ва сифатли ўтказиш учун ҳаракат қиладилар, холос.

Р. Саломов: Ўзбекистон Республикаси Президенти шу йил 14 январда тасдиқлаган жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонунда шу соҳага оид жуда кўп вазифалар, ҳуқуқ ва ваколатлар ҳамда спортда қўлланиш ман этилган усуллар, воситалар хусусида фикр юритилади. Агар ушбу **Қонунга маъмурий жазо қўллаш ҳақида бирорта модда киритилса, эҳтимол, мақсадга мувофиқ бўларди...**

Қ. Шаропов: Биз кўпинча жойларга тарқатилган тавсияномаларда машғулотларни об-ҳавога қараб очиқ жойда ўтказиш лозимлигини таъкидлаймиз. Ҳолбуки, жисмоний тарбия дарсини сермазмун, унумли, ўқувчи организмига кўпроқ фойда келтирадиган тарзда олиб бориш керак. Бу ерда гап бир хилликдан, қолипбозликдан воз кечиш, болаларга маълум йўналиш асосида эркинлик бериш ҳақида ҳам бораяпти. **Машғулот давомида машқлар ва машқ турларини ўқувчининг ўзи танласа, мустақил шуғулланса, бу жуда яхши самара беради.** Бола иложи борича биз берган машқлар билан чекланиб қолмасин. Ўқитувчининг ўқувчи билан олиб борадиган мулоқоти эса унинг руҳияти тетик, бардам, ўзига ишонган бўлишига ёрдам бермоғи лозим.

Очиқ ҳавода машғулот ўтган ўқувчи ёпиқ бинода машқ бажарганларга нисбатан кислородни 3—4 ҳисса кўп олади. Бу ўз навбатида боланинг нафас олиш аъзоларини 3—4 баробар юқори даражада ишлашига олиб келади.

Очиқ ҳавода дарс ўтишнинг бир шарти бор. Яъни, — спорт майдончаларини яхшилаб жиҳозлаш. Эсимизда бўлса, бир вақтлар республика мактабларидаги майдончаларга оммавий равишда тренажёрлар қуриб ташланганди. Ёз фаслида бу темир ускуналар жуда қизиб кетганлиги сабабли кам ишлатилади. Энди шундай таклиф туғиляпти: ўша **спорт майдончаларига навеслар (айвонлар) қуриш ва унинг остини замонавий тренажёрлар билан жиҳозлаш лозим бўлади.** Ана шунда мазкур ускуналардан ҳар қандай об-ҳаво шароитларида фойдаланиш учун имконият туғилади.

Мана, давра суҳбатимиз ҳам ниҳоясига етиб қолди. Бунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг айни ҳозирги кунларга тааллуқли масалалари хусусида таҳлилий фикр юритишга ҳаракат қилдик. Маълум даражада кўзланган мақсадга эришдик, деб айта оламиз. Эндиги навбат — жисмоний тарбия олдига қўйилаётган, кунданкунга ўсиб бораётган вазифаларни бажаришга ўтишдир.

Давра суҳбати тафсилотларини махсус мухбиримиз Аваз ҲАЙДАРОВ оққа кўчирди.



ОРАНГИЗДА ЭНГ КУЧЛИ КИМ?

«Орангизда энг кучли ким?» — сўрайди бир кун Муҳаммад.

«Жангда ҳаммани мағлуб этган киши энг кучли одамдир», — деб жавоб беришади унга шериклари.

«Йўқ, — дейди Муҳаммад, — жаҳли чиққанда вазминлик билан ўзини боса олган киши энг кучлидир».

«Ўзгаларга меҳру шафқат кўрсатинг, — дейди у, — айниқса, ожизларни аянг».

Бир гал у тушдан сўнг ётиб, дам оларкан, кўзини уйқу элитади. Уйғониб қараса, касалга чалинган бир мушукча унинг яктаги этагида ғужанак бўлиб ухлаб ётганмиш. Пайғамбар мушукчани безовта қилишга кўнгли бўлмайди, эҳтиётлаб яктаги этагини кесади-да, ўрнидан туради.

«Уч хил ибодат бор, — дейди Пайғамбар. — Бири — Худодан бир нималар сўраб, сиғиниш; иккинчиси — дўзахга тушишдан қўрқиб сиғиниш; учинчиси — Худога муҳаббат туфайли сиғиниш. Қўлингиздан келса, Худога муҳаббат туфайли сиғининг».

Бир куни унинг ҳузурига ориқлаб, озиб-тўзиб кетган бир киши келади. «Мен Худодан гуноҳларим учун шу дунёда жазолашни сўрадим, токи нариги дунёда азоблардан халос бўлай», — дейди у.

«Йўқ, — дейди Муҳаммад унга, — бу ишинг — нодуруст. Сен Худодан гуноҳимни кечир, деб сўра, бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам азиз неъматларингдан бенасиб этма, мени дўзахингга дучор айлама, деб ёлвор...» Сўнг Пайғамбар ҳалиги кишига ибодат этишни ўргатади.

«Ғийбатчи бўлманг, бўҳтон сўзламанг, дейди Пайғамбар, — бировларни ёмон отлиқ қилманг, кишиларнинг ортидан иғво гаплар тарқатиб, маломат этманг. Ғийбатчилик — киши ўзи бирадарининг этини ўзи ейиши билан баробар».

Маккада бир кампир яшар ва у Муҳаммадни жуда ёмон кўрар эди. Ҳар эрталаб Пайғамбар унинг уйи олдидан ўтаркан, болохонадан туриб ахлат челагини унинг бошига тўкарди. Муҳаммад оғиз очиб, бир нима демасди. Кунлардан бир кун кампир касалга чалиниб, ётиб қолади. Муҳммад одатдагидек унинг уйи олдидан ўтаркан, ҳеч кимса унинг бошига ахлат ағдармайди. «Ҳойнаҳой касал бўлиб қолган бўлса керак», деб ўйлайди Пайғамбар ва ундан аҳвол сўраш учун болохонага чиқади. Кампир уни кўриб қўрқиб кетади. Муҳаммад мени ургани ёки жанжаллашгани келди, деб ўйлайди. Бироқ, Муҳаммад унинг соғлигини суриштириб, аҳволини сўраганида, кампир йиғлаб юборади. «Чиндан ҳам яхши одам экансиз! — дейди у ҳўнграб. — Мен сизга қанчалар озор етказдим, сиз эса келиб, менинг аҳволимни сўрайсиз... Мен сизга эътиқод этаман, ҳақ йўлига бошланг мени...»

«Остона ҳатлаб, ҳар уйга қадам босганда, шу уйни худо ярлақасин, деб дуо қилинглар, — дейди у ўз маслаштошларига. — Ассалому алайкум, денглар. Бу — сизга тинчлик тилайман, деганидир. Тинчлик эса ер юзидаги энг буюк неъматдир».

МАДИНА

Милодий 622 йил жума куни эрталаб Пайғамбар Мадинага қадам қўяди. Жамоатга имом бўлиб, бу ерда илк бор жума намозини ўқийди.

Шаҳарга кириб келаркан, ҳар бир мадиналик уни меҳмон этмоқчи бўлиб, уйига таклиф қилади.

«Худо хоҳлаган ерда тўхтайман, — дейди у. — Туям қайси эшик олдида тўхтаса, ўша уйга меҳмон бўламан.

Туя Айюб Ансорий деган кишининг эшиги олдида тўхтайди. Пайғамбар ана шу хонадонда меҳмон бўлади.

«Масжидни қаерда қурсам экан ва қандай катталикда қурсам экан?» — деб ўйлайди Пайғамбар. Шунда унинг туяси анча юриб тўхтайди ва изига қайтади. «Худо қуришимизни буюрган масжид ана шу ерда ва шундай катталикда бўлади», деб хулоса қилади Муҳаммад. Бу жой ака-ука етимларга қарашли эди. «Олаверинг», дейишади баъзилар. «Йўқ, мен сотиб олишим керак», дейди Муҳаммад. Ва етимларнинг розилиги билан ерни сотиб олади.

Ясрибга келган маккаликларни «муҳожирин» (қочоқлар), ясрибликларни эса «ансорин» (мададкорлар) дейишади. Ясрибни эса то ҳалигача Мадинат — ал-Ясриб деб аташади. Уни Мадинат-ан-Наби-Пайғамбар шаҳри, дейиш ҳам расмдир. Гоҳо содда қилиб, ал -Мадина ёки Мадина, деб қўя қолишади.

Пайғамбар ва унинг тарафдорлари тош йўниб, уни елкаларида ташиб, масжид қуришади. Ҳамма қўлни қўлга бериб ишлайди.

«Сиз нега ишлаяпсиз, Пайғамбар? — деб сўрашади ундан. — Сиз буюринг, биз амрингизни бажо этамиз».

«Йўқ», — дейди Муҳаммад, — мен ҳам сизга ўхшаш бир одамман. Сиз машаққат чекканда, мен қараб туролмайман».

Масжид қурилиши тезда битади. Эшиклари Қуддусга қараб очилади, зеро, Пайғамбар ибодат чоғи Қуддусга қараб бош эгар эди. Барча тиришибтирмашиб ишлайди. Бор ақчалар харжланиб, тугайди. Хадичанинг қолган пуллари маккалик қочоқларга сарфланади. Пайғамбар камхарж бўлиб қолади. Қочоқлар атроф-теваракдан ўтин йиғиб, бозорга элтиб сотиб, ўзларига уй-жой қуришар, хуллас, амал-тақал қилиб кун кечиришарди.

Энди Муҳаммад олдида икки муҳим вазифа турарди:

1) қочоқлар ўзларини тиклаб олишларига кўмаклашиш;

2) ўқиш ва ваъз айтиш учун муайян марказ ташкил этиш.

У ансорларни ҳам, муҳожирларни ҳам ўз ҳузурига чорлайди. «Сизлар — биродарсизлар, — дейди у, — мен ҳам ҳамиша ака-укадек бўлиб яшашингизни истардим. Муҳожирлар — фақир ва йўқсулдирлар, негаким улар бор бисотларини Маккада қолдиришди. Шунинг учун сиз, ансорлар улар билан боригизни баҳам кўрсангиз ёмон бўлмасди».

Шундай қилиб, ҳар бир ансор ўз уйидан бир муҳожирга бошпана беради. Муҳожирлар ансорларнинг ерларида ишлаб, ҳосилни улар билан бўлишиб олишади. Масжид қурилиши ниҳоясига етгач, атрофида Пайғамбарлар ва унинг яқинлари учун кичик-кичик уй-жойлар тиклашади. Хуллас, кўп ўтмай ҳамма жойлашиб олади.

Пайғамбар солган масжидга туташтириб, сўри кўтаришади. Уни «Суфа» ёки «Мактаб» деб аташади. Бу ерда Қуръон ўқишади ва Пайғамбарнинг ваъзларини эшитишди. «Сиз бу ерда навбат билан ўқиб, ерда ишлашингиз керак» дейди Муҳаммад. Шундай қилиб, у нафақат устоз-мураббий ва қонунлар жорий этувчи аллома, балки буюк жамоат арбоби сифатида ҳам майдонга чиқади.

Маккаликлар ҳужум қилгудек бўлса, ўзни қандай ҳимоялаймиз? Ана шу ҳақда ҳам ўйлашимиз керак, — дейди Пайғамбар. — Бундан кейин нималар қилишимизни Аллоҳнинг ўзи аён этгусидир».

БАДР ЖАНГИ

Муҳаммад ва унинг тарафдорлари шу пайтгача нисбатан тинчлик шароитида меҳнат қилишар ва машаққат чекишарди. Энди бўлса, Аллоҳ уларни курашга — ўзларини ҳимоялаш учун жангга ундайди.

Маккаликлар Мадинага ҳужум қилиш ҳозирлигини кўришади. Биз Муҳаммадни ҳам, унинг одамларини ҳам қириб ташлаймиз, дейишади улар. Қурайш қабиласининг ўша вақтдаги бошлиғи бўлмиш Абу Суфён карвон тузиб, Сурияга жўнайди. Савдо-сотиқдан тушган ақчага қўшин йиғиб, уни қуролланти-ришни мўлжаллайди. «Абу Суфённинг қайтишини нега кутамиз? — дейди Абу Жаҳл. — Келинглар, ҳозироқ уларга ҳужум қилиб, ишни тугатиб қўя қоламиз».

Шундай қилиб, Макканинг минг кишилик қўшини Мадинага қараб юради. Бу хабарни эшитган Муҳаммад ташвишга тушади: «Нима қилиш керак? Биз маккаликларга қарши қандай курашамиз?»

У муҳожир ва ансорларни йиғиб, дейди: «Хўш нима қилмоқчисизлар? Тангрим маккаликлар билан жанг қилишни менга амр этди. Аммо мен уй-жойларингиз бузилиб, бола-чақангиз зиён кўрмасин, дейман».

Ҳозир бўлганлар бир овоздан «Биз сиз билан биргамиз! Амрингиз — вожиб! Сиз буюринг, биз бажо этамиз?» — дейишади.

Қуръонда бир оят бор. У Пайғамбарга ўша хавотирли кунларда аён бўлган эди. Унда шундай дейилади: «Уруш очганларга қарши уруш очмоққа ижозат этилур, негаким улар йўлдан озганлардир ва шул ҳам ҳақиқатдирким, уй-жойларини қўйиб, Аллоҳ — эгамдир, деб ҳақ йўлида жанг қилгувчиларни Аллоҳнинг ўзи ҳимоят айлар».

Ҳижрий иккинчи йилнинг рамазон ойи эди. Муҳаммад Мадинадан саксон чақирим нарида жойлашган Бадр деган жойга отланади. Унинг атиги 313 одами бор эди, холос. Ўшаларнинг ҳам айримлари қурол-яроқсиз эди. Маккаликлар эса тўла қуролланиб келишарди.

Пайғамбар тун бўйи тоат-ибодатга берилади. «Ё Аллоҳ! — дейди у. — Ваъдага вафо қил. Бизга ғалаба ато қил. Агар биз мағлуб бўлсак, мусулмонлардан ном-нишон қолмагай...»

Арабларнинг ўзига хос жанг қилиш усули бор эди .Аввалида ҳар икки томондан икки ёки уч киши чиқиб, майдонда яккама-якка олишар, сўнг бошқалар жангга қўшилишарди. Мадиналиклардан уч киши чиққандай маккалилар уларни мазахлаб кулишади. «Аслзодалар чиқсин! — дейишади улар. — Биз тўпорилар билан урушмаймиз». Шунда Ҳамза, Али ва Убайд майдонга тушишади. Ҳамза ва Али рақибларини ўлдиришади. Шундан сўнг бошқалар ҳам жангга ташланадилар.

Абу Жаҳлни икки ёш ўспирин чопиб ўлдиргач, жанг ниҳоясига етади. Маккаликлар тумтарақай қочишади. Чопар мадиналиклар ғалабасидан хабар келтирганда, Пайғамбар саждага бош қўйиб ўлтирар эди. «Худога шукр, — дейди у, — фаришталар бизга мададкор бўлишди. Яратганнинг ўзи ғалаба ато қилди. Алҳамдулиллоҳ!»

Балкиз АЛАДДИН

Муҳаммад пайғамбар қиссаси

НИМА ИШ ҚИЛА ОЛАСАН?..

Октябрь ноҳиясидаги 82-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Маъмура Миртопилова болаларга билим бериш билан бирга уларнинг тарбияси, бўш вақтида нима иш билан шуғулланишларига ҳам алоҳида эътиборни қаратади.

— Болалар тарбияси кўпроқ ўқитувчиларга боғлиқ, деб ўйлашади ота-оналар. Бунга сиз қандай қарайсиз? — сўраймиз муаллимадан.

— Тўғри, тарбиянинг бир босқичи ўқитувчиларга ҳам боғлиқ, — дейди Маъмура опа. — Аммо улар ҳам ўқитувчи тарбия берар экан, деб қўл қовуштириб ўтирмаслиги керак. Бу борада ҳар бирининг алоҳида ўрни бор. Болалар ота-онасида кўрмаган хислатларни ўқитувчилардан ахтаришади. Мактабда кўрган-билган ва ўрганган нарсаларини уйда ҳам давом эттиришни истайдилар. Бунинг учун боланинг йўлини тўсмаслик керак. Агар имкон бўлса, унга кўмаклашиш лозим. Болалар, айниқса, мактаб ёшигача, умуман, 5 ёшдан кейин ҳар хил ишларни қилишга қизиқадилар. Ўзидан катта опалари бўлса, уларнинг ишига ёрдамлашмоқчи бўладилар. Агар шундай қилсалар, уларни йўлдан қайтармаслик даркор. Мумкин қадар ўша кичкинтойларга ҳам бир оғиз ширин сўз билан: «Келақол, укажон (синглим), менга қарашиб юбор. Ма, мана бу қошиқларни ошхонага олиб чиқиб, стол устига қўйгин. Кейин эса ўйинчоқларингни йиғиштирамиз». Ёки бўлмаса: «Сен, аввал, ўйинчоғингни йиғиштириб қўй, кейин мен супуриб чиқаман. Ана ундан сўнг иккаламиз кўчага чиқиб ўйнаймиз», деган ибратомуз сўзлар қўлланса, жуда ўринли бўлади. Мана шундан кейин болалар учун бу ишлар оддий бир ҳолга айланиб, кундан-кун шу ишларни ўзлари амалга оширишга кўникадилар.

Маъмура опа дарс ўтишни бошлади. Бугун «Уйда нима иш қила оласан?» мавзусида суҳбат ўтказилиши керак экан. Болаларга шундай саволлар берилди:

— Қани, Шерзоджон, уйда нима иш қила оласиз?

— Мен мактабдан боргандан кейин укамни ўйнатаман. Ўртоқларим билан ҳовлига чиқиб ўйнайман. Дам олиш кунлари, агар дадам дала ҳовлимизда иш қилсалар, уларга қарашаман.

— Жуда соз, баракалла, ўғлим. Қани, Гўзалхон, сиз нима қила оласиз?

— Мен якшанба кунлари ойим билан бирга кир ювамаман.

— Барака топ, она қизим. Агар шундай қилиб ҳар бир ишни ўрганиб борсаларинг, келажакда ажойиб йигит ва қизлар бўлиб етишасизлар. Меҳнат ҳамиша инсонни улуғлаган.

Маъмура Миртопилова бу мактабда узоқ йиллардан бери меҳнат қилади. Унинг кўп йиллик тажрибасидан ота-оналар ҳам мамнун бўлишмоқда. Шунинг учун улар тарбиянинг аслмоҳияти ўқитувчига ҳам боғлиқ деб тушунишади. Аслини олганда эса, тарбияга ота-она ҳам, ўқитувчи ҳам масъул эканлигини унутмаслигимиз керак.

Г. МАМБЕТОВА.
Тошкент.

НАВРЎЗИМИЗ-БОЙЛИГИМИЗ

СУМАЛАК



Сумалакни пишириш
Анъанавий бир одат.
Уни еган кишининг,
Тани олармиш роҳат.

Аввал буғдойни олиб,
Тахтада яйратамиз.
Ҳафталаб сувни сепиб,
Ўстириб яшнатамиз.

Сўнгра сўқида янчиб,
Сувин сиқиб оламиз.
Дошқозоннинг ичига,
Унни қўшиб соламиз.

Дугона, хола, янга,
Ёрдамга келинг амма.
Келинчаклар, қолмангиз,
Бунга қатнашар ҳамма.

Амаки, тоғажонлар,
Меҳрибон оғажонлар.
Сув, ўтинни тайёрлаб,
Қозонда ёғни доғлаб,

Шопиринг, Шоди тоға,
Қайнаб тошмасин, оға.
Ёнғоқ ташладик, мана,
Юзига суртар амма.

Чилдирма, соз чалайлик,
Ўйин-кулги қилайлик.
Сумалак бўлар тайёр,
Дам олгунча кутайлик.

Биргад, оқсоқол бобо,
Сиз ҳам, кайвони момо,
Айтинг, қолмасин бари,
Келаберсин ёш-қари.

Барин жамлангиз бунда,
Сумалак пишган кунда.
Марҳамат, ўтиринглар,
Лабин ялаб турганлар.

Сумалакни тотингиз,
Сўнгра раҳмат айтингиз.
Биз ҳам хурсанд
бўлайлик,
Юртга тинчлик
тилайлик!

Мухлиса ИМОМОВА.
Бухоро вилояти Свердлов ноҳиясидаги Крупская номли мактаб.

ТАҚРИЗ

БОШҚАРИШ ДИДАКТИКАСИ

Жумҳуриятимиз давлат мустақиллигини воқеликка айлантиришда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу вазифани амалга оширишда иқтисодиёт ва маданиятимизнинг турли тармоқларида давр талаблари даражасида фаолият кўрсата оладиган раҳбарлар ва мутахассисларнинг бошқарув соҳасидаги тайёргарлиги давримиз мезонидир. И. Оллоёровнинг рус тилида яқинда «Фан» нашриётида босиб чиқарилган «Педагогическая эффективность применение самостоятельной учебной работи при изучение управленческих дисциплин» номли монографияси шу муаммога бағишланган йирик илмий тадқиқотдир.

Ўқув жараёнининг вазифалари, иккиёқлама табиати ва таркибий тагсистемаларидан келиб чиққан ҳолда муаллиф бошқариш фанларини ўрганишда мустақил ишларнинг ўрни ва ролини аниқлайди, бу ишга таъсир этувчи омиллар ва бошқариш фанларини ўрганишдаги ишнинг самарадорлигини психологик-педагогик шарт-шароитларини исботлаб беришга интилади. Бунда муаллиф ўзи ишлаб чиққан бошқариш фанлари ўқув материалларини дидактик таҳлил этиш методикасини ёритади. Материалнинг дидактик структурасини етарли исботлар билан шарҳлайди. Китобда бошқариш фанларини ўрганишда қўлланиладиган мустақил ишлар таснифи ишлаб чиқилган ҳамда бу ишларни бажаришга талабалар ўқув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳаётий тажрибалар асосида атрофлича ёритилган.

Монография айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Муаллиф мавзуни ёритишда ўзбек педагогларининг ишларидан, илмий-тадқиқотлардан кам фойдаланган. Амалдаги ўқув дастурлари ва дарсликлар материалларига шу кун талабларидан келиб чиқиб ёндашилмаган.

А. УМРОНХЎЖАЕВ,
Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти қишлоқ мактаблари муаммолари бўлими мудири, педагогика фанлари номзоди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги барча фанлар бўйича мавжуд ЭҲМ синфларига педагогик дастур воситалари учун кўрик-конкурс эълон қилади

КЎРИК-КОНКУРС 3 БОСҚИЧДА БЎЛАДИ

I босқич район миқёсида — 1992 йил май ойида

II босқич вилоят миқёсида — 1992 йил июнь ойида

III босқич республика миқёсида — 1992 йил сентябрь ойида.

КОНКУРС ШАРТЛАРИ:

Ҳозирги кунда ўқув юртларида яратилган ва тажрибалардан ўтган педагогик программа воситаларини дарс жараёнига қўллаганда дарс самарадорлиги ошишини кўрсатиш ҳамда булар учун ёзилган сценарийлар методикасини тайёрлаш.

Педагогик дастур воситаларининг муаллифларини рағбатлантириш учун мукофотлар белгиланади.

Мукофотлар миқдори:
I ўрин — 7000 сўм.
II ўрин — 5000 сўм.
III ўрин — 3000 сўм.

Манзилгоҳимиз: Тошкен шаҳри, Мустақиллик майдони, 6-уй Халқ таълими вазирлиги. Мурожаат учун телефонлар: 39-40-81, 45-79-27.

УСТОЗЛАР ҲАШАРДА

Республикамизнинг мустақилликни қўлга киритган йилида ўз зиё масканига эга бўлган «Ўқитувчилар уйи»нинг олимлари, методистлари, халқ таълимининг жонкуяр фахриялари умумхалқ хайрия ҳашарида кўтаринки руҳ, ифтихор туйғуси билан қатнашдилар. Карнай-сурнай садолари янгради. Режалаштирилган ораталик ва ободонлаштириш ишларига қекса устоз муаллимлардан — уруш ва меҳнат фахриялари кенгашнинг раиси Шорайим ота Гадойбоев бош бўлди.

«Ўқитувчилар уйи» биносининг тўрт томонига юзлаб олча, гилос, ўрик, олма, ёнғоқ, тоқ, атиргул кўчатлари ўтқазилди, атроф тупроқлари чопиб юмшатилди.

Ҳашар воқеаларидан қувонарлиси шу бўлдики, «Ўқитувчилар уйи»ни ўз ижодхоналари, устозлари «уйи» деб билган шу яқин ўртада жойлашган мактаб ўқитувчилари, жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан келиб ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий олийгоҳида ўзларининг касб маҳоратларини ошираётган бир гуруҳ тингловчилар, Низомий номли муаллимлар илмгоҳининг талабалари, шаҳардаги 40-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари хайрия ҳашар ишларида кўмаклашдилар.

С. РИСҚИЕВ.

ОНА ИЛМИ БЕБАҲО

Аёлда оламнинг мангу сеҳри бор,
Қалбида ҳаётнинг сўнмас меҳри бор.
Фарзандга абадий унинг меҳри бор,
Аёлни ўкситма, аёл илоҳий.

Х. ИНСОПОВ.

Илму одобнинг соҳаю қирралари кўп. Аммо оналар илмига бас келадиган жиҳатлари йўқ. Оналарнинг нозик табиати, сухандон ва хассос меҳрининг ўзи бир олам одобдир. Фарзандлар мардлик, жасорат, қатъият, ирода, ғурур каби хислатларни отадан ўзлаштирсалар, гўзаллик, иффат, ор-номус, ибо, ҳаё, вафо, муҳаббат, шафқат сингари нозик фазилатларни онадан оладилар. Оналарнинг таълим-тарбиядаги ўрни ғоят катталиги азалдан маълум. Ман-ман деган подшолар ҳам она тарбиясини олганлар, улардан изн-маслаҳат сўраб иш юритганлар. Қанчадан-қанча шаҳзодалар энага қўлида тарбия топиб, ахлоқ, одобнинг сир-асрорларини дилга жо қилганлар.

Она-ер, она тили, она-Ватан деган сўзларнинг заминида том маъно, жозибадор илму ҳикмат ётади. Оналарнинг тунларни бедор ўтказиб, ўз дилбандига айтган сеҳрли алласида оламжаҳон саъй-ҳислатлар бор. Оналарнинг нозик табиати, гўзал фазилатлари қизлар учун умрбоқий андозадир. Тарихий манбалардан маълумки, ўтмиш авлодларимиз қизлар — бўлажак оналар тарбияси ва тақдирига алоҳида эътибор берганлар. Чунки бола онадан олган тарбияни умр бўйи унутмайди. Олиму фузалолар, «Тарбиясиз хотиннинг қўлида ўсган болани ислоҳ этиш анчайин қийин», деб бекорга айтишмаган. Буни ҳаёт ҳам исботлаб турибди.

Кўриниб турибдики, ахлоқ илми, аввало, қизлар, аёллар учун керакдир. Халқимизнинг «Сут билан кирган, жон билан чиқади» деган ҳикматида хосият катта. Айни даврда мактаб ўқувчиларининг деярли ярмидан кўпроғини қизлар ташкил этади. Улардаги баъзи хислат, фазилатлар тамомила бошқача — қиличлари кескин, муомалалари анчайин дағал. Қизларга хос майинлик, синиқлик кам.

Оилада оналар, мактабда муаллимлар бунга алоҳида эътибор бермоқлари керак. Айни даврда қиз болаларнинг жинсий тарбияси, улардаги энг нозик ҳиссиёт, жўшқин туйғулар она илми, она тарбиясини тақозо этади. Шу жиҳатдан она илми беқиёс. Қизлар 9—15 ёшлар ўртасида болиғ ёшда деб ҳисобланади. Айнан шу ёшдан қизларга эътиборни қаратмоқлари керак. Фақат оналаргина қизларига она бўлиш — бу неъмат, назрсиз бир шараф эканлигини тушунтира оладилар.

Она сути, ҳулқи, хуш табиати бола учун шу қадар муҳимдир. Бу ўринда «Қуръон сабоқлари», «Ибодати Исломия»да баҳоли қудрат равон баён қилинган экан:

«Савол: Болани ким эмизур?

Жавоб: Албатта, она эмизур. Болага онасининг сути ғоятда фойдалидир. Бошқа хотун ҳам эмизса дуруст бўлур, лекин сиҳатли, хуш ҳулқли ва хуш табиатли хотун бўлмоғи лозимдир. Чунки сут берган хотуннинг ҳулқи ва табиати эмғон болага сийрат қилур».

Оналар — оиланинг асл таянчи, ҳар икки жинсдаги фарзанднинг яқин сирдоши. Инсонлар ахлоқ, тарбия хусусида хотинлардан бошқа ҳеч кимга тобе бўлмайдилар. Ақл-заковатда, тадбиркорликда аёллар эркаклардан қолишмайдилар.

Тарихнависларнинг айтишича, Амир Темурнинг хотуни Сарой Мулк Хоним ўта зийрак, тадбиркор ва оқила аёл бўлган экан. Одатдаги юришлардан бирида сарф-харажатга, маблағ етишмай қолади .Соҳибқирон Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк Хонимга мактуб юборади. Мактубда: «Қўшиннинг заҳираси тугади, хазинадан зар юборинг», дейилган. Мактуб мазмунидан хабар топган малика мазкур мактубнинг орқасига: «Ўлуғ Амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?» деб ёзади... Мактубни олган Темур ўринли кинояни англаб етади. Дарҳол суякларидан турли ҳажмда пул тайёрлатиб, вақтинча муомала киритиш ҳақида фармони олий беради.

Ҳозирги қизларимиз — келажак оналари. Илму ақлда, иффату идобда беназир, бетакрор шеърият юлдузлари Зебунисо, Нодира, Увайсий, Маҳзуналарнинг ворислари Зулфия, Нилуфар, Умида, Гулчеҳраларнинг замондошларидир. Таълим-тарбияда буни эътибордан четда қолдирмайлик. Гўзал хулқ, яхши фазилат бўлмаса, илм дарахти яхши мева бермайди.

Мустақил жумҳуриятимизга гўзал ахлоқли, ақл-заковатли, матонатли, саховатли ва садоқатли аъзолар керак. Бу кун келажак авлод истиқболи бизнинг қўлимизда. Буни яхши англаб, шунга қараб ҳаракат қилайлик. Ёшларга илму ҳикмат дурдоналари асосида илму одоб берайлик.

Раҳимжон МУМИНОВ,
Наманган вилояти Поп ноҳиясидаги 16-мактаб ўқитувчиси.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНГА БАҒИШЛАБ

Озодлик ороли — Куба халқи кўплаб миллий қаҳрамонларни тарбиялаб етиштирган. Хосе Марти ҳам бу қатъиятли халқнинг асл фарзандларидан бири саналади.

Ана шу оташин курашчи туғилган кун нафақат Кубада, балки ҳамдўстлик давлатларида ҳам кенг нишонланди. Тошкент шаҳридаги 162-ўрта мактабда яқинда бўлиб ўтган кеча ушбу санага бағишланди.

Мазкур тадбирнинг бу билим даргоҳида ўтказилишининг боиси бор, албатта. Мана бир неча йилдирки, мактаб ўқувчилари испан тилини севиб ўрганмоқдалар. Шу билан бирга улар кубалик ёшлар билан ўзаро ёзишмаларни йўлга қўйиб, дўстлик алоқаларини боғлаб келмоқдалар.

С. ОДИЛОВА.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 38-буюртма. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.00. Тиражи 160000

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12